



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 23-yanvar №4 (4299)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар! Хурматли Сенат аъзолари!

Авваламбор, бугун сиз, аъзолар билан учрашиб турганимдан ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзининг чуқур хурматини билдириш, сийхат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан бахтиёрман.

Сизларни сайловчиларимиз, халқимизнинг юксак ишончини қозониб, сенатор деган шарафли номга сазовор бўлганингиз билан самимий табриклаб, фаолиятингизда янги омадлар тилайман.

Ҳаммамизга маълум: роппа-роса ўн йил олдин парламентимизни – бир палатали Олий Мажлисимизни икки палатали парламентга ўзгартирган эдик. Яъни, куйи палата – профессионал асосда доимий фаолият кўрсатадиган Қонунчилик палатаси ва юқори палата – вакиллик асосида иш олиб борадиган Сенатнинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари ҳисобидан, Ўзбекистонимизнинг ҳар қайси 14 та субъекти – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланиши белгилаб қўйилди.

Бундай ўзгариш ва ислохотларни амалга оширишда чуқур маъно-маъмури борлигидан барчангиз албатта хабардорсиз.

Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Аввало, Ўзбекистонимизнинг узоқ ва бой ўтмишини, унинг ўзига хос, ўзига мос томонларини ва жўрғофий хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатимиз тарихига қараганда 14 та субъект – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар бири ўз тарихи, керак бўлса, бошқалардан фарқ қиладиган иқтисодий-ижтимоий белги ва аломатлари, бетакор маданияти, анъаналари билан ажралиб туриши ҳеч кимга сир эмас. Ва бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан, ҳаёлимиздан чиқармасликни ҳаётнинг ўзи талаб қилади.

Иқтисодиётимиз қонуниятлари шуни тақозо этадики, агар ҳар қайси ҳудуд – бу вилоят, туман ёки шаҳар бўладими – уларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш бўйича режаларимизни тузиш ва тасдиқлаш пайтида авваламбор айни шу жиҳатларни инобатга олмасак, бундай сиёсат ҳеч қачон қониқтирмайди ва эртага турли муаммоларга дучор бўлишимиз турган гап.

Иккинчидан, парламентимиз ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган, замонавий парламентаризм фаолиятининг асосий мақсадини ташкил этадиган мувозанат ва тийиб туриш тизимини яратишни биз ўз олдимизга вазифа қилиб қўйган эдик.

Учинчидан, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришни эътиборга олган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишнинг сифатини кескин ошириш назарда тутилган эди.

Тўртинчидан, Сенат асосан маҳаллий кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдаш ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш кўзда тутилган эди.

Бешинчидан, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтиришни мақсад қилиб, шу борада юқори палата – Сенатнинг вилоят, туман ва шаҳар вакиллик органлари депутатларидан сайланиши белгилаб қўйилган эди.

Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, барчамизга аёнки, Сенат аъзолари аввало жойлардаги маҳаллий кенгашларнинг депутатлари – вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Яъни, сиз, хурматли сенаторлар, шуни яхши тушуниб олишингиз керакки, биринчи навбатда сизларга ишонч билдириб, депутат этиб сайлаган ўз сайловчиларингиз олдида масъул ва жавобгарсиз.

Нега деганда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий кенгашларининг ҳар бири 6 нафар депутатни Сенатга вакил қилиб юборган экан, уларнинг ҳисоботини эшитиш ва фаолияти ҳақида хулоса чиқаришга албатта ҳақлидир.

Шу маънода, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишда Сенатнинг ўрни ва аҳамияти, шу билан бирга, масъулияти нечоғлиқ катта эканини доимо ёдда сақлашингиз лозим. Чунки биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, қайси сиёсий партияга аъзо бўлмайлик, умумдаш манфаати, Ўзбекистон келажаги барчамизни бирлаштиради.

Сиз, хурматли Сенат аъзолари, бу муҳим масаланинг моҳиятини тўғри тушуниб, ўз фаолиятингизни айнан шу асосда ташкил этасиз, деб ишонман.

Қадрли дўстлар! Маълумки, мамлакатимизда икки палатали парламент иш бошлаши билан Президентнинг баъзи ваколатлари Сенатга ўтказилди. Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдиминомага асосан амнистия эълон қилиш, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалаларини ҳал қилиш ваколатига эга бўлди.

Бундан ташқари, Сенат ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширмақда. У ҳар йили давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқади, унинг бажарилишини назорат қилади, давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди.

Бугунги кунда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятининг самарасини ошириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловларини юксак демократик савияда ўтказиш борасида катта иш олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, ҳаётнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани, ҳаётнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани ҳам соҳаларида биз амалга ошираётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш вазифаси Сенат фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Айни шу масалалар бўйича Олий Мажлис палаталарининг эртага бўладиган қўшма йиғилишида атрофлича гаплашиб оламиз.

Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, аввало, Сенат раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Сенат раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилиши белгиланган. Ана шу нормага биноан, кўпгина маслаҳатларга асосланиб, мен Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига сенатор Нигматилла Тўлқинович Йўлдошев номзодини тақдим этмоқчиман.

Нигматилла Йўлдошев 1962 йилда,

Тошкент шаҳрида туғилган, ҳуқуқшунос. 2011 йилдан бунён Ўзбекистон Республикаси адлия вазири лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Йўлдошев меҳнат фаолиятини Олмалик шаҳар прокуратурасининг иш ўрганивчиси лавозимидан бошлаб, прокуратура идораларида катта терговчи, бошқарма прокурори, бўлим бошлиғи, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент бошлиғи, Бош прокурор ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Меҳнат фаолияти давомида орттирган катта амалий ва ҳаётий тажрибаси, билими, касбий маҳорати ҳамда ташкилотчилик ва талабчанлик қобилиятини эътиборга олган ҳолда, Нигматилла Тўлқинович Йўлдошев Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига ҳар томонлама муносиб номзод, деб ҳисоблайман.

Энди Сенат раисининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу вазифаларга қуйидаги номзодларни тавсия этмоқчиман.

Сенат раиси ўринбосари лавозимига сенатор Светлана Боймирзаева Ортиқованинг номзодини тавсия этман. Светлана Ортиқова 1962 йили Наманган вилояти Учқўрғон туманида туғилган. 1987 йили ҳозирги Тошкент давлат юридик университетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос, кўп йиллар Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идораларида хизмат қилган, 2010-2014 йиллари Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатган.

2014 йилдан бунён Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Ўйлайманки, бу кишини ҳам кўпчилик, шу залда ўтирганларнинг барчаси яхши билади. Аввало, унинг етарли билим ва тажрибасини, малака ва маҳоратини, обрў-эътиборини юксак баҳолайди, десам, хато бўлмайди.

Маълумки, Конституциямизнинг 86-моддасига асосан Сенат раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлиши белгилаб қўйилган. Мен бу лавозимга ҳозирги ватнда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси вазифасида ишлаб келаётган сенатор Муса Тажетдинович Ерниязов номзодини тавсия этман. Ўйлайманки, бу номзодни ҳам барчангиз яхши танийсиз, унинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти ҳақида атрофлича маълумотга эгасиз.

Муса Ерниязов 1947 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли туманида туғилган, муҳандис-электрик. Меҳнат фаолияти давомида турли масъулиятли лавозимларда фаолият юритган ҳамда катта амалий тажриба тўплаган. Жумладан, қурилиш трестининг муҳандиси, участка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги вазири, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасининг раиси, Чимбой тумани ҳокими, Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Муса Ерниязов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган даврида ўзининг ташкилотчилик ва талабчанлик хусусиятларини кўрсатган.

Хурматли Сенат аъзолари! Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонч билдиришга руҳат бергайсиз.



Айни Абдулқошиқ (ЎСА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 22 январь куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Йиғилишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ мажлиси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдулломов очди. Сенаторлар Сенат биринчи мажлисининг қотибятини, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича назорат гуруҳини сайлади, кун тартибни тасдиқлади.

Мажлисида Сенатни шакллантириш очкилик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида, миллий сайлов қонунчилигимиз талабларига тўла мувофиқ ўтгани таъкидланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг қўшма мажлисида 84 сенатор сайланди.

Президентимиз томонидан 16 нафар Сенат аъзоси тайинланди.

Сенат давлат ва жамят фаолиятининг фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларини ривожлантиришда кўрсатган, катта ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга фуқаролардан шакллантирилгани қайд этилди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Мажлис иштирокчилари Сенат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим этди.

Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси

лавозимига Нигматилла Йўлдошевни, Раис ўринбосарлари этиб Светлана Ортиқова ва Муса Ерниязовни сайлади.

Мажлисида сенаторлар Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Таълим, маданият ва спорт масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмиталарини ташкил этди ҳамда уларнинг раисларини сайлади. Сенатнинг Регламенти ва одоб комиссияси ҳам тўзилди.

Мажлисида қўрилган барча масалалар юзасидан Сенат қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ниҳоясига этди.

ЎЗА

ОГОҲ ИНСОН ТИМСОЛИ

Зийрак куш — Алишер Навоий ғазалларида ўзини англаган киши, огоҳ инсон тимсоли бўлиб келади. Бу образ воситасида шоир одамларни хушёрликка чақиради, ўткинчи дунё неъматларига алданиб қолмасликка, донни кўриб, домдан ғафлатда қолмасликка даъват этади. Жумладан, "Наводир уш-шабоб" девонидан ўрин олган "Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб" мисраси билан бошланадиган ғазалида ташхис санъати воситасида дунёни ўқувчи кўз ўнгида овчи сифатида ғавдалантиради. Бу овчининг оддий овчидан фарқи шундаки, у одамларни овлайди: тузоғини ёяди — лаззатларини ваъда қилади; суву донга сочади — неъматларини кўз-кўз этади. Лекин зийрак куш суву донга алданмайди, унинг ортида тузоқ борлигини англайди:

Англа зийрак куш анким, кўрубон муздоқ дом
Бўлмағай теграсида обхўру донаталаб.

Ёки домга қаттиқ боғланиб қолиб, кейин ундан қутулиш йўлини тополмай, уриниб, талпиниб, ғавгою тўполон кўтармайди.

Бўлмағай домга муҳкам, топа олмай маҳлас,
Урунуб, толпинибон айламағай шўру шағаб.

Навоийнинг зийрак куш ҳақидаги фикрлари ифодаланган байтларини ўқиб, уларда ушбу тимсол билан боғлиқ мазмуннинг янгидан-янги қирралари очилганини кўраемиз:

Даҳр бустонига зийрак куш не қилсун майлким,
Ғунча жуз қонлиг қўнгул очмас бу гулшан гулбуни.
Ўқорида келтирилган мисолларда зийрак куш нафс кули бўлмаслиги ҳақида фикр юритилган бўлса, кейинги байтда унинг бевафо дунёга кўнгул

бермаслиги хусусида сўз боради. Бир ғазалдаги фикр иккинчисида давом эттирилгандек: зийрак куш нафс тузоғидан ўзини асраганидек, бевафо дунёга ҳам кўнгул бермайди. Лекин ўзига сўз бериб, аҳду паймон қилган билан ҳар қадамда жилав қилиб турган "даҳр бустони"дан кўнгул узининг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам шоир бошқа бир ғазалида ёзади: Барча зийрак кушқа чун ул зулф дом бўлди қайд, Эй Навоий, анда кўнгул муфтаб бўлса, не тонг. Яна бир ғазалида эса даврон гулшанига мойил бўлишнинг бефойда эканлигига ургу берилди:

Гулшани давронга мойил бўлма зийрак куш эсанг —
Ким, тикан торн қилур ҳар тоза гулбарги тари.

Зийрак куш билан боғлиқ фикрларнинг тезиси сифатида ўртага ташланган қуйидаги байт аслида шоирнинг бу борадаги қарашларини жамлаган ўзига хос хулосаси ҳамдир:

Ғар малак тасбеҳи донга, хур зулфи дом эрур —
Ким, бу дому донга зийрак куш эрсанг, бўлма ром.
(Агарда малак тасбеҳи дону хур зулфи дом бўлса ҳам, зийрак куш бўлсанг, бу дому донга махлиё бўлма).

Маълум бўладикки, Алишер Навоий ғазал ва байтларида инсонни зийрак куш тимсолида тасвирлаб, образли йўсида уни нафс кўзи билан дону сувини кўриб, ақл кўзи билан унинг ортидаги тузоқни пайкамаслик оқибатида ўз нафсининг қурбонига айланмасликка, дунё макри ва нафс тузоғидан огоҳ бўлишга даъват этади.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Ўтган куннинг ниҳояси бўлган муваққат субҳи козиб ўз ўрнини янги мунаввар куннинг муқаддасига айланган субҳи содиққа бўшатиб берди. Обод ва фэйзбё Шовот канали бўйлаб қадам ташларкансиз, тонглрнинг баракоти ҳамда шафотини жону дилингизда, бутун жисмингизда ҳис этасиз. Шу азиз Ватандаги тинчлик ва осойишталик, аҳиллигу ҳамжиҳатликдан кўнглингиз тоғдек кўтарилди. Келгуси ободлик, фаровонлик кунларини тасаввур этиб, орзу-умидлар улғаяди, ишонч комиллик касб этади...

УЛҒАЙГАН УМИДЛАР

Шифокорлар сихат-саломатликни мустаҳкамлаш учун жисмоний ҳаракатлар, жумладан, спорт билан шуғулланишни маслаҳат берадилар. Айниқса пийда юришга, ҳушманзара, баҳаво жойларда сайр қилишга алоҳида эътибор қаратадилар. Бунинг учун сихаттоҳларда, шифохоналарда махсус йўлакчалар қурилган. Аммо, улар нари борса ярим соат атрофида босиб ўтиш мумкин бўлган уч ёки тўрт километр масофани ташкил қилади.

Лекин Шовот канали бўйларининг йўриги бошқа. Урганч шаҳрининг ўртасидан оқиб ўтувчи табиати сўлим, ҳавоси тоза Шовот каналининг, айниқса, бунёдкорлик ишларидан кейин кўри ошган. Унинг масофаси 15 километрга яқин бўлиб, бемалол сайру саёҳат қилиш, пийда юриш учун айнаи мудаоо. Йўл кенг бўлгани боис, дўстларингиз, оила-аъзоларингиз, маслакдошларингиз билан суҳбат қуриб айланишингиз мумкин. Бир тарафдан қаналда оқиб турган сув эпкинларидан, иккинчи томондан кўм-кўк дарахтлар гулларининг, майсаларнинг ифори бизан килородга бойиган тоза ҳаво ўзаро уйғунлашиб, жонга роҳат бағишлайди. Кўёш тепангда оқ йўл тилаб тургандай туюлади.

Канал бўйлаб борар экансиз, унинг соҳилларида қурилган дам олиш, хизмат кўрсатиш муассасаларини санай бошлайсиз. Аммо ҳисобда адашиб кетасиз. Улар жуда кўп. Энг муҳими, ҳар бири ўзгача бир қиёфада — фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, уларнинг биноси миллий ва замонавий меъморчилик аъналарига хос, маҳаллий иқлим шароитига мос ҳолда қурилган. Каналнинг иккала қирғоғида жойлашган меҳмонхоналар, замонавий овқатланиш ва дам олиш масканлари, кўнгилочар ва истироҳат боғлар, қайқалар тўхташи учун барпо этилган кичик бандажроҳлар... буларнинг барчасини бир вақтлар фақат орзу қилиш мумкин эди, ҳоло. Каналнинг икки қирғоғидаги 90 гектар майдонда қўлай шарт-шароит ва имкониятларга эга ушбу масканларда ободлик, саранжом-саришталикни кўрасиз. Айниқса, ёзда бир-бир-

рига мутаносиб ва умумий яхлитликда ажойиб манзара касб этувчи мўъжазгина фавворалардан оби ҳаёт отилиб майса ва гиёҳларни, дарахтларни яшнатиб, файзу тароватини ошириб туради. Канал бўйида ташкил этилган спорт масканларида соғлигингизни мустаҳкамлашингиз, фарзандларингизни ҳам спортга ошно этишингиз мумкин. Шовот ка-

Эл обод — дил обод

налнинг бевосита ўзида янги хизматлар ҳам йўлга қўйилди. Жумладан, илчам ва замонавий қайиқ-катерларда сайру саёҳат қилиш асносида ўзингиз учун қадимий воҳанинг, жум-

да — аждаб бўйича ҳисоблаганда шу сана келиб чиқади. Унинг қурилишида ўн минглаб аҳоли бир неча ойлаб ишлаган.

Турмушимиз фаровонлиги рамзига айланган бугунги азим бунёдкорликлар муҳтарам Юртбошимизнинг Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳақидаги қарорлари асосида амалга оширилаётганини таъкидлаш зарур. Бунёдкорлик тадбирларида республикаимизнинг барча вилоятлари қурувчи ва таъмирчи усталари, мутахассислар астойдил иштирок этишди. Айниқса, хоразмлик қурувчи-бунёдкорларнинг азму шижоати бошқаларни руҳлантириб юборди. Уларнинг ташаббуси билан канал ўзани-



ладан, Урганч шаҳри, Шовот бўйларининг кўпгина гўзалликларини кашф этасиз.

Таникли тарихшунос олим Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, "Фидо-корона хизматлари учун" ордени соҳиби Абдулла Сотлиқовдан Шовот каналининг тарихи ҳақидаги маълумотларни эшитганман. Халқ Шовотани "Пурфайз" деб атаган. Бу бениҳоя файли, мўл-кўлчилик рамзи демек. У кишининг далалат беришича, канал 1681 йил қанал қурилган экан! "Пурфайз" сўзини ҳарфлари асоси-

да доимий акватория ҳосил қилинди. Бунинг учун сув сатҳи уч метр чуқурликда бўлишини таъминловчи сув иншоот қурилди. 7,3 километр узунликда ёпиқ дренаж тизими яратилди. Шу масофада икки қирғоқ ва канал ўзининг 500 метр қисми бетонлаштирилди.

Бундай бунёдкорликлар юртимизнинг қай гўшасига борманг, қизгин олиб борилаётганини кўриш мумкин, — дейди қурувчи, меҳнат фахрийси Раҳимберган Маҳмудов. — Питнадаги автомобиль заводи, Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий кўчаси,

"Ёшлар кўли"да бунёдкорлик ишлари бир-бирини такрорламайдиган ўзига хос кўринишда бунёд этилди.

Дарҳақиқат, бунёдкорлик мўъжизаларига боқиб, кечаги кунни ҳам бир эслаб, ким эдигу ким бўлганлигимизни аниқ ва равшан тасаввур этиш мумкин. Шовот канали бўйидаги ободонлаштириш тадбирлари вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорликлар юртимиз қиёфасини янада гўзаллаштирмакда.

Урганчликлар бугун кунни эрта тонгданок Шовот бўйларида сайр этишдан, табиат кўйида бадангарби қилишдан бошлашга одатланган. Бугун йил давомида Шовот сувига чўмилишни тарқ этмайдиган маҳаллий "морж"лар сони ҳам сезиларли даражада ортди. Канал бўйида сайр қилиб юрган турли ёш ва касб эгалари бўлган элдошларимиз билан суҳбатлашиш ҳам мароқим.

— Юрак етишмовчилиги хасталигидан халос бўламан, деган одам Шовот бўйига келсин, — дейди меҳнат фахрийси Рустам Қутлиев биз билан суҳбатда. — Уч-тўрт кун шу ерда сайр этса, асаблар тинчланиб, одамнинг руҳи тетик ва бардам бўлади. Ортиқча дори-дармонларга ҳам ҳоҳат қолмайди. Ҳар кун эрта билан бир соатча шу гўзал қирғоқларда пийда юриб ўзимни чиқиқтираман. Шовот бўйлари ўзига хос шифохона.

Бугун Хоразм улкан бунёдкорликлар майдонига айланган. Масалан, биргина Урганч шаҳрининг ўзида бир неча кўп қаватли уйлар қурилади, намунали маҳаллалар сони кўпайгандан кўпайди. Айниқса "Ёшлик" шаҳарчасида барпо этилаётган ёшлар спорт мажмуаси, унинг таркибидоги ёпиқ сув ҳавзаси, 920 ўринлик ёпиқ спорт манажи, гимнастика зали, 2 та спорт зали ва минг нафарга яқин томошабинга мўлжалланган очиқ футбол майдони келгусида ўғил-қизларимизнинг спорт билан шуғулланадиган энг севимли масканларидан бирига айланади.

Бундай бунёдкорлик ишлари эса биз каби ижодкорларни доимо руҳлантиради, давр қаҳрамонини кашф қилишимизда илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Қанчадан-қанча буюк алломалар, машҳур санъаткорлар, таникли ёзувчи-шоирлар яшаб ижод қилган Хоразм бугун кўркам қиёфаси билан дунё сайёҳларини-да жалб қилаётгани сир эмас. Ўзининг урф-одатлари ва аъналарига мос равишда қайтадан юз ва кўрк очатган Хоразм ҳақида бугун қанча ёниб қуйласак, шеър у дostonлар битсак оз.

Сотим АВАЗ

МАҚСАД УЛУҒ БЎЛСА...

Ўзбек Миллий академик драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Асосий эътибор иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг ноёб санъатини асраб-авайлаш, интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган фестивал, кўрик-танловларнинг натижалари, шунингдек, ўтган йили вазирлик тизимидоги ташкилот ва муассасаларда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда янги лойиҳаларга қаратилди.

Вазирликнинг бошқарма бош-ликлари, театрларнинг раҳбарлари, санъатшунос-мутахассислар, таникли санъаткорлар ва ёш истеъдодли ижодкорлар иштирок этган тадбирда сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазири вазири Вахидов, вазирликнинг ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жалоллидин Узоқов "Ўзбекте-

риб келаётганини кўрсатди. Мазкур тадбирларнинг барчасида юртимизнинг таникли санъаткорлари, етук мутахассислар билан бирга ёшлар ҳам фаол қатнашди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан йил якунларига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб, республика аҳамиятига эга давлат тадбирларида фаол қатнашган ҳамда узоқ йиллардан кўён фидоқорона меҳнат қилиб келаётган ижодкорлар дипломи, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир

— Бундай рағбат ва биз ёшларга берилаётган эътибор ҳаммамизни янада фаол бўлишга ундайди, — деди Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова. — Ўйлайманки, бошқа ҳамкасбларим ҳам шундай фикрда-лар. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар кун, ҳар соатда фидойий бўлишимиз, ўзимизни буюк мақсадлар сари сафарбар этиб боришимиз, буни кундалик фаолиятимиз мезони-га айлантиришимиз шарт.

Матбуот анжуманида 2015 йилда ташкил этилиши мўлжалланаётган қатор лойиҳалар хусусида ҳам гап борди. Жумладан, "Санъат қалдирғочлари", "Шодлик наволари", "Ёшлик завқи", "Хуш кайфият", "Ижодимиз сенга, Ватан!" каби кўплаб янги лойиҳалар барча санъаткорлар, хусусан, ёш истеъдодлар ўз имкониятларини баралла намоян этишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу билан бирга, "Фавворалар сайли" оммавий-маданий тадбири уч мингдан ортиқ ёшларни биллаштирган бўлса, "Дебют" кўрик-фестивали бир қатор ёш иқтидорли режиссёрлар театр оламига дадил ки-

риб келаётганини кўрсатди. Мазкур тадбирларнинг барчасида юртимизнинг таникли санъаткорлари, етук мутахассислар билан бирга ёшлар ҳам фаол қатнашди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан йил якунларига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб, республика аҳамиятига эга давлат тадбирларида фаол қатнашган ҳамда узоқ йиллардан кўён фидоқорона меҳнат қилиб келаётган ижодкорлар дипломи, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Бундай рағбат ва биз ёшларга берилаётган эътибор ҳаммамизни янада фаол бўлишга ундайди, — деди Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова. — Ўйлайманки, бошқа ҳамкасбларим ҳам шундай фикрда-лар. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар кун, ҳар соатда фидойий бўлишимиз, ўзимизни буюк мақсадлар сари сафарбар этиб боришимиз, буни кундалик фаолиятимиз мезони-га айлантиришимиз шарт.

Г. УМАРОВА

Куюнчак газетхон мактуби

АДАШТИРИЛАЁТГАН АДАШЛАР

Боғчага кираверишдаги йўлакча девориди "Фарзандларингиз ижодидан" деган ёзувга кўзим тушди. Жавон устидоги гуллар, ҳайвонларнинг чизилган расмлари, рангли қоғозлардан қирқиб елимланган шакллар, пластилиндан ясалган ўйинчоқлар тартиб билан териб қирилган. Болажонларнинг мурғак тасаввурининг маҳсули бўлган ушбу ижодий ишлар кишининг диққатини тортади.

Ўғлим Шохрухнинг ҳам ишлари бормикан, дея фамилиясини излаб бошладим. Аммо фамилия ўрнига кетма-кет ёзилган Шохрух Ш., Шохрух Н., Шохрух Т., деган исмлар турарди. Боғча опа ажабланганимни сезди чоғи, "Шохрух Ш.ни кўринг, гуруҳимизда учта Шохрух бор. Уларни адаштириб қўймаслик учун исми ёнига фамилиясининг бош ҳарфини қўшиб қўйганмиз", деди.

Шохрух Ш... Демак, ўғлимни шундай деб қаҳришар экан. Аввалги тарбиячидан биров ранжидим. Ўғлимнинг исм-фамилиясини тўлиқ айтмасдан шундай аташи менга малол келди. Ўйлаб қарасам, ҳамма айб ўзимиздалигини англаб етдим. Тўғри-да, гуруҳдаги ўн беш нафар боланинг уч нафари Шохрух бўлса, улар қандай ҳам атасин? Ахир, боғча боласини "фалончевич" деб қаҳриш мантиққа тўғри келармикан?

Ота-онанинг бурчларидан бири фарзандига чиройли, ўзига муносиб исм қўйишдир. Аммо чиройли исм экан, деб унинг "русум" бўлишига йўл қўймаганимиз лозим. Ҳозир Фаррух, Шохрух, Бекзод, Отабек, Сардор, Самира, Севинч исмларини ниҳоятда кўп учратамиз. Бугун кўнча чиқиб, Шохрух ёки Сардор деб қаҳиринг, ўн кишидан учтаси "лаббай" дейиши тайин.

Шу ўринда савол туғилади: исмлар танқисми? Ёки бошқа исмлар шунчалик маъносизми? Йўқ, албатта. Агар масалага чуқурроқ ёндашиб, таҳлил этадиган бўлсак, "Ўзбек исмлари" китобининг ўзида ўттиз мингдан зиёд

исм маъноси билан берилган. Наҳотки, шунча исмлар ичидан фарзандимизга муносибини, камроқ учрайдиганини топиш мушкул бўлса...

Баъзан обрўли, машҳур инсонларга ўхшасин, дея уларнинг исмини фарзандимизга қўямиз. Албатта, эзгу ният яхши. Аммо исми бир хил бўлгани билан фарзандингиз ҳам ўша одам танлаган касб эгаси бўлмайди-ку. Бир дугонам ўлгига Оқилжон деб исм қўйибди. Шунда дўстларимиздан бир "Сал замонавийроқ исм танлабмасиз-да, масалан, ҳозир Самир исми "модада", деб қолди. Исмлар мазмунини таҳлил қилиб кўрдим, Оқилжон "ақлли, фаҳм-фаросатли, доно бола" дегани. Хўш, Самирнинг маъноси нима? Ўша дугонамдан сўрадим, у эса елка учирди. "Қайдан билай?..." Бундан бир неча йил аввал "Икки тақдир" номли ҳинд сериали телеэкранларимизда намойиш этилган даврдан сўнг Самир исми русум бўлгандир... Ёки Мексиканинг "Камила" телесериалидан кейин Камола исми келармикан? Уларини Камила деб атагани-чи?...

Ҳинда бир ҳамкасбимиз набирасига катта бобосининг исмини қўймоқчи бўлганида келини қаршилик қилганини айтиб биров ранжигандек бўлди. Назаримда баъзи ёш ота-оналаримиз дунёга келган мурғак гўдакка муносиб исм қўйишга нафақат ота-она, балки бобо ва момоларимиз ҳам ҳақли эканликларини унуттиган қўринадилар...

Ота-оналар ўткинчи шов-шувлар асирига айланмасдан, ўз фарзандига исм танлашда унинг мазмунан гўзал, шаклан чиройли бўлишига эътибор қаратса айнаи мудао бўларди. Чунки танланган чиройли исм ота-онанинг орзу-умидлари, фарзандига бўлган меҳр-муҳаббатини намоян этидиган ўзига хос эзгу ниятлардан биридир.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА, талаба

БУНЁДКОРЛИК ИЛҲОМЛАРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев болаларга атаб ёзилган кўплаб асарлари билан машҳур. Адибнинг инглиз, француз, рус тилларига таржима қилинган китоблари жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатда чоп қилинган.

Ёши саксондан ошганига қарамай Худойберди ака хануз ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида бўлиб, адабиётимизга янги-янги қаҳрамонлар туҳфа этаётир. Адибнинг истиқлол йилларида қишлоқларимиз, фидойи дехқонлар ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, зироатчилик соҳасидаги ислохотларга бағишланган навбатдаги китоби "Янги оҳангда куйлаётган вилоят" деб аталади.

Пойтахт вилояти бўйлаб ижодий сафарга чиққан адиб уста фермерлар, ёш тадбиркорлар, тажрибали соҳибкорлар билан мириқиб суҳбат қуради. Ана шу қизгин мулоқотлар таассуроти мазкур китобга жамланган бадиий очерк ва публицистик ҳикоялар мундарижасини таш-

кил этган. "Паркентнинг оламга машҳур узумлари" очеркида адиб тоқзорлар ҳосилдорлигини рекорд даражага етказиб, эндиликда ҳукумат қарори асосида лалми боғдорчиликни равақ топтираётган паркентлик соҳибкорларнинг бой тажрибасини каламга олса, "Богбон бобо шеър ёзади" ҳикоясида эса, кўп йиллар Зангиота туманида муаллимлик қилиб нафақага чиққан богбон ва шоир Эркин Арзиматнинг эл-юрт учун жонқуярлиги ҳақида тўққизлаб ёзади: "Эрталабдан кечгача элнинг хизматини қилади, юртининг ошини дамлайди. Кўчатлар эктиради, қўлида ток қайчи, кесилмай қолган тоқларни кесиб беради, улама пайванд, найчапайванд



Янги нашрлар

қилиб, янги-янги дарахтлар навини яратади. Кўшниси касал бўлиб қолса, ҳаммадан олдин хабар олади, муҳтожларга моддий ёрдам уюштиради. Хўш, ана шундай одамни қаҳрамон деймай бўладими?..."

Богбон шоир шеърларидан намуналар ҳам эълон қилинган китобдаги "Саодатли кунлар қувончи", "Заминга жоним фидо", "Ёшлар қалбида нури тўлқинлар", "Рағбат мўл маҳалла" каби очерк ва мақолаларда ҳам истиқлол яратган имкониятларни ишга солиб, эл-юрт фаровонлиги, мамлакат ободлиги учун фидойилик қилаётган замондошларимиз образлари яратилиб, бадиий сўз воситасида уларнинг гўзал қиёфалари чизилган. Аксарий очеркларнинг бевосита қаҳрамонлар билан жонли мулоқот асосига қурилгани уларнинг ўқишлилигини янада оширган.

"Янги аср авлоди" нашриёти томонидан чоп этилган китобга Тошкент вилояти ҳаётидан олинган рангли суратлар ҳам илова қилинган. Китобга Маъмура Қутлиева муҳаррирлик қилган.

Ва, ниҳоят, бу мактубларнинг асосини ташкил этувчи етакчи мавзу — фарзанд тарбиясига эътибордир. Уларни комил инсонлар, эл-юрт учун фойдали мутахассислар қилиб вояга етказишга интилиш акс этган сатрлар ниҳоятда самимий, уларда икки ажойиб инсоннинг қалб ишти-ёлари баралла сезилиб туради.

Бугунги шошқин-тошқин ҳаёт дилдан суҳбатлашувларга, кўнгили изҳорлари бўлган ўзаро ёзишмаларга вақт қолдирмапти. Ахир, жонли ҳиссийларсиз жўнатилган, узук-юлук SMSлар шуурга, дилга, туйғуга муқим таъсир кўрсата олармиди? Ушбу китобда ёзилганидек, хат битиш кўнглини ёритади... Бу ёруғлик бутун умр давомида қақнаб туради. Шу маънода "Ҳар мактубда умр лаҳзаси" китоби қимматли ва кадрлидир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ

Илмий ва ижодий изланишларда шундай босқичлар бўладики, улар сен билан бир умр ёнма-ён меҳнат қилиб, қалам тебратган кишиларинг салоҳияти ва иқтидорини ҳеч қутилмаган услуб ва кўринишда намоян этади, яратилган асар ўзининг мутлақо янги жиҳати билан лол қолдиради.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудов билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудованинг "Nihol" нашриёти чоп этган "Ҳар мактубда умр лаҳзаси" китобининг сўнгги сатрларини ўқиб тугатгач, шундай ҳолатга тушдим.

Китобда муаллифларнинг ярим асрдан зиёд кечаётган ҳаётлари мобайнидаги ўзаро ёзишмалари жамланган. Ўқувчи дафъатан бу шахсий мактубларни кенг жамоатчилик олдига дастурхон қилиб ёзиш шартми, деган ҳаёлга ҳам бориши мумкин. Тўғри, юзаки қараган-

да бу хатлар севишган икки дил, илм ва ижодда ўз ўринларини топишга интилиб яшаган икки ёш мутахассис, ҳар қандай шароитда фарзандлар икболни кўзловчи ота ва онанинг кўнгили изҳорлари, қувонч ва изтироблари, ҳаётларида, турмушларида, қалбларида содир бўлаётган ўзгаришларнинг баёни. Муайян пайтларда бу мактублар кўнглини ёритган, дилга далда, руҳга мадад берган.

Лекин китобни саҳифама-саҳифа ўқиб борганинг сари ўзбек адабиётининг эпистоляр жанрдаги бу асарининг моҳиятини илғаб, аҳамиятини

Расул ҲАМЗАТОВ, Доғистон халқ шоири

ФАҚАТ ОЗОДЛИҚДА БОРДИР БАХТ, МАЪНО

"Ўзбекистон — менинг иккинчи она Ватаним. Дунёда биров бир шоирнинг шеърига ҳайкал қўйилмаган. Менинг Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўғлонларга бағишланган "Турналар" шеъримга эса Ўзбекистоннинг Чирчиқ шаҳрида жуда ҳам мунгли ва юксак ёлгорлик ўрнатилган".

Расул ҲАМЗАТОВ

ИККИ ШОЛРҮМОЛ

Кўклам арафаси, ажойиб бир кун Ўзга эл-юртлардан эсдалик дея, Иккига оқ рўмол олиб келганим — Икки аёл учун камтар бир ҳади.

Мудом тушунисиз турмушнинг қори: Қаранг, бири сўлиб, бири қулибди: Бириниси ташлаб кетибди ёри, Иккинчисин ёри қайтиб келибди.

Биринчиси — тоғда яшаган аёл — Айриликда бағри қуйиб бўлган қул — Опоқ шолрўмолни ядло тун мисол Қоп-қора рангларга бўйлаб буткул.

Униси — овулда макон тутгани — Бахтга тўлиб, масрур, шод бўлган аёл Қувончин ифода этмишди, яъни Қирмизи рангларга чулганмиш рўмол.

Хаттахтага ўхшар инсон манглайи, Унга битилмишди тақдир, қисмати. Менинг кўз ўнгимда туради доим Шолрўмолни икки аё суврати.

Умиду ҳадиқ ва муҳаббат, озор, Изтиробу қувонч рангига ахир Сўзларни бўйлаб неча бор, такрор, Ҳар жойда уларга бўлдим мен асир.

ҚҮШИҚ

Отангиз жангларда тўккан эди қон, Сиз бутун буй етган, забардаст ўғлон. Чунки тиним билмас бу йиллар — дарё, Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Ерларга сиёҳмас, тўкилганди қон, Эгарда битилган бу шоғли дoston. Сатрлар ол рангга бўйлабмиш гўё, Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Сизнинг ёшингизда кўшинни бошлаб, Жанг қилдик душманинг кўзини ёшлаб. Қилич эдик, қиндай ютди ер — юҳо, Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Қўрқмадик майда гап-сўздан ҳеч маҳал, Дўст учун жон бердик мардона, дангал. Оталар бизлардан бўлдилар ризо, Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Сиз ҳам асрагайсиз биз асрагани, Омонатдай сақланг бу хур Ватани. Фақат озодликда бордир бахт, маъно, Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Оқил бўлинг, тоғдай узоқни кўринг, Ўт бўлинг, денгиздай гувраб, жўш уринг. Ҳалолу пок бўлинг, сизга ёр Худо, Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

ШУЯМ ЭРКАКМИ, АХИР?

Ким парвосиз, уйламай, Қулар бўлса тўхтамай, Шуюм эркакми, ахир?

Ким яшаса қоқилмай, Бир умр қайгу билмай, Шуюм эркакми, ахир?

Ким ҳатто тилак чоғи Солар бўлса қовоғин, Шуюм эркакми, ахир?

Ким яшаса суймасдан, Ўлич таъмин туймасдан, Шуюм эркакми, ахир?

Ким бўлса ишқда суяқ, Билмаса ўлчов, тийиқ, Шуюм эркакми, ахир?

Янги таржималар

Ким ёрлам, йўл кўрсатиб, Сўнг эса кетса сотиб, Шуюм эркакми, ахир?

Ким келиб мағрур, пўрим, Қадаҳи қолса ярим, Шуюм эркакми, ахир?

Ким одам кўп жойда ҳам Ичса билмасдан тўхтаб, Шуюм эркакми, ахир?

Ким юртдан бадар кетса, Ота уйин унутса, Шуюм эркакми, ахир?

Ким бировнинг меҳнатин Билмаса қадр-қиматин, Шуюм эркакми, ахир?

Ким мард бўлиб сўз айтиб, Олаверса сўнг қайтиб, Шуюм эркакми, ахир?

Рус тилидан Ориф ТОЛИБ таржимаси.



Р.ҲАМЗАТОВ (1923—2003) Доғистонда туғилган. Авар педагогика билим юрти ва Москвадаги Адабиёт институтида таълим олган. Она тилидаги биринчи китоби 1943 йили «Оловли севи ва аламли нафрат» номи билан чоп этилган. Шоирнинг авар, рус ва бутун дунё тилларида ўндан ортиқ шеърий, насрий ва публицистик китоблари юз минглаб нусхада нашр этилган. «Юрагим тоғларда», «Юксакдаги юлдузлар», «Дўстларни асранг», «Турналар», «Менинг Доғистоним», «Икки ташлаб кетилган китобларни шулар жумласидан. Ўзбек тилида ҳам «Сайланма» шеърлар, достонлари ва «Менинг Доғистоним» китоблари чоп этилган.

Нодир ЖОНУЗОҚ

ШАЙДО ДИЛЛАР ДАВРАСИДА



НАВОИЙ

Сирларини очар аста Навоий, Гоҳ ҳазин, гоҳ масрур сасда Навоий.

Ишқ дўконин бунёд қилмиш муҳташам, Ҳар ғазали — тулгу раста, Навоий.

Ошиқда унга бемор ошиқлар, Улашди шифо хаста Навоий.

Улус дардин шимар дилга дамо-дам, Севинч сочар даста-даста Навоий.

Чечакларга чанг солганда гаддорлар, Ҳаёт шавқин кўрар хасда Навоий.

Муҳолифлар бизгиз санчса гиз-гизлаб, Қалам йўнмас алам-қасдада Навоий.

Кўк тоқига от қўйса-да хаёли, Пок назари мудом настда Навоий.

Шайдо диллар даврасида соқий ул, Ишқ майидан мангу маст-да Навоий.

Дўстлар, шоир бўлолмасак, айб этманг: Бир миллатга ўзи бас-да Навоий!

ФАРИШТА

Елғизмасман Ҳамроҳ ҳар ишда Елкамдаги икки фаришта.

Ўтар экан кунлар, ҳафталар, Тўлиб борар юз, минг дафтарлар.

Дам олмайди, ухламас ётиб — Чарчамайди бу икки котиб.

Опоқ дафтар бирин қўлинда, Қора дафтар тутган сўлимда...

Билмас эдим бу гапларни, оҳ, Қўриб қолдим бир кун баногоҳ.

Чап елкамда ўтирган малак Тинмай ёзар, улгурмай ҳалак.

Иккинчиси ҳам гарчи бедор, Ўзим каби ўтирар бекор.

Ора-сира эснаб қўяди, Қай ишимни эслаб қўяди.

Буниси-чи, тинмайди сира, Тўлиб борар қора хотира.

Ўйимни ҳам шартга ёзади, Ёзади-ю муҳр босади...

Кўнглим чўкиб қузатмай қўйдим, Нигоҳимни узатмай қўйдим.

Ўтар экан кунлар шу зайил, Бир кун яна уйғонди майл.

Қарадим-у... ҳайратим онди, Қўзларимдан севинчим тошди.

Қандай гўзал — банд эди ишда Ўнг елкамда турган фаришта.

Қалам билан кўнглим титарди — Чаплагидан кўпроқ битарди!

Битар эди тиним билмасдан, Ҳеч нимага парво қилмасдан.

Дафтарига солдим-у нигоҳ, Англаб етдим... Бу не ҳол?!

Эвоҳ... Ишсиз қолиб ўнгда бечора, Дафтар тутмиш у ҳам қоп-қора...

ОЙБЕК

Хаёл сураб юксак тахтада ўтириб, Миллий боғда макон қурибди Ойбек. Тубан дунёлардан юзин ўтириб, Навоийга қараб турибди Ойбек.

Қўлида китоби... Аммо дилда — Қоғозга тушмаган милёнлаб ҳасрат. Тили лол... Сўзлайди қушлар тилида, Уни тушунгучи — биргина Ҳазрат...

ДУНЁ ОРЗУСИ

Ювиб бўлса эди дилни ишқалаб, Қошки бўлса эди совунаб уни. Дўконда сотилса махсус ишқорлар — Юракка аталган поклик қукуни.

Кенг, ойдин водийга чўк тушиб олиб, Дунёдаги жами эркагу аёл Қорайган қалбин оқ идишга солиб, Эринмай юварди ҳар кунни — аён.

Шаксиз, қолмас эди юракларда доғ, Қолмасди кўнглининг заррача кири.

Н.ЖОНУЗОҚ (Холбўтаев) 1976 йили туғилган. Самарқанд давлат университети-нинг ўзбек филологияси факултетида таҳсил олган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. "Томчилар", "Сизни севар эдим", "Меҳрибоним" номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

Ҳамма бир-бирига очарди кучоқ — Яшарди бир-бирин бағрига кириб.

Туялар инграмасдик қуйиб-қуйқаниб, Опоқ тилакларни отарди тонлар. Юраклардан оққан қора қуйқани Ютоқиб ичарди ташна шайтонлар.

Азалий дардларга топардик даво, Эски иллатларга қўяр эдик ўт. Оламга пурқардик мусаффо ҳаво — Озғимиздан чиқар эди кислород...

МУСИҚА

Ҳар нафасим — оҳанг, Ҳар бир сўзим — шеър, Ҳар жумлам қўшиқдир — юракдан чиққан. Ҳижжалаб ўқима уни — тинглайвер, Биладан, кўнглинг кўп қуйга ичккан.

Дағал дунёларга қўл силтадим, бас, Бошқа алданмайман шум кутқусига. Энди бу ҳаётим қуйдир туганмас, Энди бу ҳаётим — фақат мусиқа...

БИРОВ

Иштаҳаси қарнай, Нафис ўта соғ, Ошқозони билан ўлчар савобни. "Жигар!" деб бағрига босаётган чоғ Хаёлида ўйлар жигар қабобин...

ЭЗГУ НИЯТ ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Она дуоси

Эрталаб ишга ёки ўқигаша отланган фарзандларимизга, бирор юмушга бел боғлаган ўғил-қизларимизга қўлимизни дуога очиб оқ фотиҳа берамиз. Бизга ота-боболаримиздан ўтган "Кўпнинг дуоси кўл", "Дуо билан эл яшарар" ёки "Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми" каби пурмаъно ўғитлар замирида ҳикмат кўп. Зотан, элга кўп хизмати сингган, ватан учун доимо ёниб-қуйиб яшаган инсоннинг шу даражага эришишида ёши улуг кексалар, ота-оналарнинг қилган эзгу дуо ва ниятлари ижобат бўлган.

Илму салоҳияти билан етти икклимда улуг даражага эришган ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳаётида ҳам дуо катта аҳамият касб этган. Тарих китобларида ёзишларича, тақдир тақозаси билан Муҳаммад отаси Исмоил ибн Иброҳимдан жуда эрта етим қолади. Ўғлининг таҳсилга муҳаббатини сезган онаси унинг билим олиши учун отасидан мерос қолган давлатни сарфлаш ниётида бўлади. Аммо ривоят қилишларича, Муҳаммад ал-Бухорий гўдак ёшида кўзлари кўрмай қолади. Оналари қаттиқ изтиробга тушганидан бўлса керак, бир кун Иброҳим алайҳиссалом тушларига кириб: «Эй волида, Аллоҳ таоло бетиним дуою илтижоларинг сабабидан ўғлингнинг кўзларига қайта нур ато этади», деб хабар беради. Ва шундай бўлади: онаизор эрталаб уйғонса фарзанди Муҳаммаднинг кўзларига яна нур қайтган эди. Ғами шодликка айланган она ўғлининг билим олиши йўлида ҳеч нарчасини аямайди.

Шуниси алоҳида бир ҳикмати, кўзларига нур бораборида онгу шуурларига беқиёс зеҳн ҳам энади. Ривоят қилишларича, Имом ал-Бухорийнинг котиби Муҳаммад ибн Абу Хотим қизиқ бир маълумотни ёзиб қолдирган. Яъни Имом ал-Бухорий илк сабоқлардаёқ ҳадисларни ёд олмаққа илҳомлантирилган, ўшанда ўн ишга ё етган ё етмаган экан.

Оналари дуоси боис Оллоҳ бу зотга ақллар лол бўларлик қувваи ҳофиза ва хотира ато айлаган. Юз минг саҳиҳ (ишончли), икки юз минг ғайри саҳиҳ (гумонли) ҳадисни ёддан билган эканлар.

Соҳибқирон эътирофи

"Куч адолатдадир" деган ҳикмат Соҳибқирон Амир Темури тафаккурига равшанлик берган гоҳ эди. Улуг бобомиз бу мезонни муаззам билди — буюк салтанатга жаҳолат билан эмас, марҳамат билан асос солди. Жисмоний қувватдан маънавий қувватнинг устунлигини идрок этиб, адашмади. Зафарларини шунинг ҳосиласи деб билди.

Яъни тилақлар ила қилинган дуо, оқ фотиҳа Амир Темури ҳаётида муҳим аҳамият касб этганлигидан тарихий манбалар, ривоят ва афсоналар орқали кўпчилигимиз хабардормиз. Зеро, уларнинг барчаси тағзаминида ҳақиқат мавжуд.

Соҳибқирон Амир Темури «Тузуқлар»ида шундай ёзади: «...дуоғўй кишиларни қадрладим. Улар билан хилватда суҳбат қуриб, кўнглимдаги мақсадимни айтиб, дуо тилардим. Мажлисларда, базмларда, жанг майдонларида улардан кўп баракотлар топдим. Тўхта-мишхон билан бўлган жангда ғаним лашкари кўпчилигидан ва менинг лашкарим эса озлиги ва очлигидан кўп азият тортган эдим. Шу пайт соҳиб дуо бўлмиш Мир Зиёвуддин Сабзаворий бошидан салласини олди, кўллари дуога очиб (мен учун) Тангридан зафар тилади. Хали дуоси тугамай туриб дуо таъсири кўришиб, лашкарим ёғийни қочирдилар».

суддин ал-Фохурий(Шамсиддин Кулол)нинг дуоси, шайх Зайниддин ал-Хавофий (Зайниддин Абу Бакр Тойбодий)нинг химмати ва барча Баракотларим эса фақат Саййид Барака ёрдамида бўлган», дер эканлар.

Ўғли дардини олган ота

Захириддин Муҳаммад Бобур назимий ижодиёти ўз ички оламининг кўзгуси бўлса ажаб эмас. Мисраларидаги тугён бамисоли ҳалқачалардек байтни байтга, ғазални ғазалга боғлайди:

Кўзумнинг нурисен, кўнгулм хузори, Таним хуррамлиги, жоним сузури.

Бу мисралардан завқ майлини ахтарган овора бўлади. Йўқ, уни ўқир экансиз, кўз ўнгингизда тўшақда дард билан тўлганиб ётган бемор Ҳумоюн бошида ғамли турган султон ота ақсанади:

Дардинг ўлса, иложни нетайин? Сенсиз тахту тожни нетайин?

Юрт дарди, Ватан соғинчи ва ҳижрон азобларидан зада қалби яна бир оғир йўқотишдан чўчидай:

Борму эркан ҳеч нима оламда ҳижрондин ёмон, Ҳар неким ондин ёмонроқ йўқ, бодур ондин ёмон. Шунинг учун ҳам ақл қуввати ўзигагина етди. Илож ва имкони дуога кўчиб, жони (фарзанд) учун жонини фидо айлашга қасд этди:

Келки, онда фуқратингдин доғи хирмон қолмасун, Қолмасун ғамда кўнгул, кўнгулмда армон қолмасун. Ва: Ўзганим яхши бу навъ элликдан ар ўтса ёшим — деган сатрлари ижобатига етди. Ўқийётганимда юрагининг туб-тубидан нимадир чирт узилиб кетгандек бўла-

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

ди. Эллиқдан нари ёш сўрамаган Бобуршоҳнинг сирли олами, бу сўроғга ижобат қалбингни ларзон этади. Қандай муножотки, ботинида сиру кашф бор? Қандай туйғуки, илдизи тафаккури, тасавури ё тасодиф?

Бу ҳам ўзи учун, ҳам нури дийдаси Ҳумоюн учун сўралган «оҳ»ли дуо эди. Қазою қадарнинг ҳукми эди. Ва «мендан кўрмасин, ўтдан кўрсин, сувдан кўрсин», деган рабобоний ҳикмат садоси эди...

Ажаб дунё, ажиб тақдир шоҳ Бобур Мирзо оғир хасталик билан ўлим тўшақда ётган ўғли Ҳумоюннинг атрофида гир айланиб дардини ўзига сўраганлиги ва дуо ижобат бўлиб, Ҳумоюн соғайиб ҳазрати Бобур жон таслим этганлиги тарихий ҳақиқат. Ўшанда бу зот эндигина қирқ етти йил умр кўрган эди...

Шерозий ҳақиқати

Назмий оламда олашумул даража касб этган Ҳофиз Шерозий (1326 — 1389) авлоди асли Исфажондан бўлиб, тақдир тақозоси билан Шерозда яшаб қолишган. Шоирнинг исми Муҳаммад, лақаби Шамсуддин, тахаллуси Ҳофиз. Қуръони қаримни ўн тўрт усул билан ёддан тиловат қилган Ҳофизни Қуръон бўлганлиги сабабидан Ҳофиз, аниқроғи, Хожа Ҳофиз бўлиб эътибор топган.

Ҳофизнинг отаси эрта оламдан ўтиб, рўзгорлари танг ахволда қолади. Оиладаги уч ўғилдан қўлидан иш келадиган икки акаси кун кўриш ваҳидан онаси ва кичик укасини уйда қолдириб ўзга юртларга чиқиб кетади. Муҳаммад жуда ёш бўлса-да, оила тебратилишга мажбур бўлади, новвойга шоғирд тушиб ярим тундан то тонггача хамир тайёрлайди, нон ёпади. Машаққат билан топган пулини адолат билан унга тақсимлаб, бир қисмини онаси билан ўз тиркичилигига ишлатади, бир қисмини таълим олиш учун сарфлайди ва учинчи қисмини беваю бечораларга хайро эхсон қилади. Оқибат ўғлидан мамун онанинг фарзанди Муҳаммад ҳақиқа қилган дуолари ижобат бўлиб, Яратгандан сўраганидек, фарзандига улуглик насиб этади.

Алқисса, бева онанинг фарзанди она дуоси баракотидан машхур шоир бўлиб етишади. Хожа Ҳофиз тахаллуси билан доврүк таратиб, назмиёти маърифат оламини ёрилади. Шунинг учун шоир бир рубоийсида шундай дейди:

Делимки: «Лабинг не? «Айтди: «У — оби ҳаёт», «Отинг-чи?» — десам, деди: «Бу — қони набот». Сўрсам «сўзи»дин, деди: «Ҳофиз айтмиш: «Сўз пиларидир ким, айланг дуо била ёд!»

Суяндик МУСТАФОЕВ, фажрий журналист



ҲАЁТ КИТОБИНИ ВАРАҚЛАБ...

Зулфия опамизнинг ким ёки ниманидир кутиб ортиқ бегокат бўлганини ҳам, вақтнинг тезроқ ўтишига интиқ зерикиб ўтирганини ҳам эслолмайман. Юриш-туришларида, иш услубида, суҳбату талбирларни ўтказишида бир сокин маром барқарор эди. Аслида, умрининг ганиматдан-да ганимат, тасаввур этиб бўлмас даражада учкур, ўтган ҳар сонияни ҳис этиб яшаш туйғуси шоира қалбини улкан соат қафтлари каби тинимсиз уйғотиб, ҳушёр тортириб тургани жуда кўп сатрларида кўринади.

Ҳамма нарса насиб сенга беулчов,
Фақат, фақат, фақат умрдан ўзга...
Ёки:
Кечан орта,
Эртан олдинга тортар,
Қушлар бағр узгандай умрингдан узиб.

Вақт ва унинг қадри ҳақида ёзганлар, гапирганлар жуда кўп, аммо Оллоҳнинг бу бебаҳо неъматини қимматини чуқур англаб, унинг баҳосига муносиб яшаш ҳаммага ҳам насиб этвермайдми. Фикр юритсак, жуда кўп фавварларимиз бу дунёнинг ўткинчи хўро ҳавасларига совирилади. Рўзгордан кундан кунга тўкинлик яратиш, либослар, тўю ҳашамлар, ҳар хил даврано гурунлар — оқибати асосан умрининг елдек беиз учиб кетишига сабаб бўладиган бундай ишлар устоз Зулфия опа ҳаётига бегона эди. Тўғри, устознинг уйлари шинам, бекаму кўст, ўз мавқе ва эҳтиёжларига яраша таъминланган эди. Бироқ бу йил сайин тақдорларини турайдиган таъмирлар, жиҳозларни тинмай алмаштириш, ўзгариштириш ва янгилаш самараси эмас, балки дастлаб қурилган, жиҳозланган пайтидан дид ва носик таъб билан шундай ҳолга келтирилган, йиллар ўтса-да, ўша китоб жавонлар, мехмонхонадаги стол-стулар, гиламу пардалар ўз кўркини, шинамлигию қўлайлигини йўқотмасди. Опа табиатида кўнчилик аёлларга хос бўлган одат — янги чиққан ва урф бўлган нарсаю буюмларга ўчлик йўқ эди. Бу ҳақда ўйлаб, излаб юришга ўз мавқеларини ҳам, вақтларини ҳам лойиқ кўрмасди.

ташвишлари кундуз кунларга етиб ортарди. Шунинг учун шоира "Тунлардан тонларни ўғирлаб олиб" мутолаа ва ижод қиларди.

**Уйку ўраб олиб тупроқни
Танҳо ҳоким бўлиб юрибди.
Лекин кўзимдаги чироқни
Ўчиролмай заиф турибди.**

Зулфия опа вақт, яъни умр олдидаги масъулиятни ҳамиша улғайган қалб билан ҳис этганини кўзатамиз. У "Ҳаёт китобини бехос варақлаб..." деб бошланувчи машҳур шеърини олтимиш ёшлар остонасида ёзганди. Ундан кейин кечган қарийб чорак асрлик умри ҳам шу сатрлар мағзидаги эътирофга ҳамоҳанг.



Суратда: Зулфия шоирлар Гулчехра Жўраева ва Сайёр билан.

**Ҳаёт китобини бехос варақлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида қулдим чарақлаб,
Суйиш керак бўлса — телбача суйдим.
Кийганим ипакми, чигм ё кимчоб,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоқ.
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин ўзимга ўхшаш:
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Куйдим,
Иzzат нима билдим,
Шу-да бир яшаш!..**

"Инсон ўз умридан, бажарган ишларидан қониқмаслик туйғуси билан яшаши керак, шунда у янги кунга яна ҳам кўпроқ орзу-интилиш билан кириб боради", дедимиз.

ган китобий гапга ўрганиб қолганимиз учунми, кимларгадир шоиранинг юқоридаги шеърини ифодаланган ўтган умрдан розилик туйғусини қабул қилиш кийинроқ кечиши ҳам мумкин. Аммо бу дунё ҳаётида бошга тушган ҳар қандай мушкул синовнинг ҳам, қувончу омад, муваффақи-

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги

ятларнинг ҳам охир оқибатда бир ҳикмати, одил Ҳақ томонидан бериладиган ажр-мукофотлари борлигига ишонган инсон тақдир тақдими этган кунларни осойишта, сабру қаноат ва шукроналик билан қабул қилади, кузатади.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир таъбири билан айтганда, "Икки ирмоқдан бир жилга оқмоқда эди, бири гўё тиниб қолди-ю, ўзга бири оқди. Ўша жилга, ўша оқим, ўша мавж, ўша тўкин! Зулфияхоним бу жилгада Ҳамид Олимжон учун ҳам оқди. Ҳар бир шоирнинг ҳам ишонган киши шундоқ бўлса, қани эди!.."

**Бағдада берилар умр чамалаб,
Афеус, ҳукмидамас тошу тазу...**

Зулфия опа ҳаётининг энг саодатли дамларини юлдуздай бағрига босиб, ундан бир умр ҳарорат, қувват олиб яшади, назаримда. Жуда кўп илтимосларимдан кейин "Ҳар кимга дастурхон қилиб солинавермайдиган кўнгли дафтарида" айрим лавҳаларни очганди:

"Ҳар гал учрашувга борганимда, Ҳамид ака кўзлари чақнаб, қўлидаги соатга ишора қилганча: — Соатлар нечи бўлди? — дерди ва жавобимни кутмай, яна ўзи "Минг бўлди!" — дерди.

Ҳамид Олимжоннинг мени ҳовлимизгача кузатиб келишидан ҳеч ким ёмон фикрга бормаган. Кўчанинг бир томонидан у киши, иккинчи томонидан мен бораверардик. Кўпичина мени кузатиб, Охундийнинг уйига ўтиб кетарди. Баҳор, ёз фасларида атиргуллар очилиб ётган ҳовлимизга қараб:

— Қанийди, мана шу атиргуллар тағида бир кеча сиз кириб кетган хонага қараб ўтириб тонг оттириш мумкин бўлса, — дерди.

1935 йил 23 июлда Отажон Ҳошимнинг ҳовлисига тўйимиз бўлди. Қатор извошларда бордик. Ҳамид Олимжон оппоқ қўйлақда кўзлари чақнаб пешвоз чиқди. Извош тўхташи билан олдимизга келиб, қўлимдан тутди:

— Соатлар нечи бўлди?
— ...
— Минг!"

**Ва меҳнатдан нақ ипак қуртдай
Тўхтамасан тинмасан қалбим** — деб ёзганди шоира яна бир шеърда. Бу эзгу ниятнинг меваси ҳам сара, салмоқли бўлди. Хизмати билан элу юрт хур-

матини қозонган фарзандлар, ажойиб набиралар, миллий адабиётимизнинг уриб турган юрагини ҳис этиш, ёш ижодкорларга ҳамиша эътиборли бўлиш ҳамда имкони етганча қўллаб-қувватлаш ва... ҳар қанча ҳавасу ҳайратга арзигулик воқеа — Зулфия опа умрининг сўнгги йилларида (80 ёшини қаршилаётганда) "Хотирам синиқлари" номли ажойиб достонини яратди. Йиллар, замонлар, одамлар, дунё ҳаёти неча бор янгиланган, турланган,

ўзгарган бўлса-да, устоз қалби босиб ўтган умр йўлларига баҳо беришда ўзини да аямай, аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни айтиш широридан зарра чекинмади.

Республикада хизмат қўсатган маданият ходими Раҳимахон Назарова эслайди: "Хотирам синиқлари" достонининг ёзилиш жараёнидан хабардорман. Ўша кунларда Зулфия опа жуда ҳорғин, руҳан қийин аҳволда эдилар, кечалари ухламаганлари шундоқ билиниб турарди. Столлари устида синган қаламлар, рўчалар, ёзиб-чишиб ташланган, гижимланган қроғозлар, кўзлари маънос... Ички изтироблари, кечинмаларини кўриб турардим. Лекин шунчалар кенг қамровли, жиддий мавзудаги асар ёзаётганларини дoston битгандан сўнг, уни ўқигач билдим. Ўша кунлари анча соғлиқлариниям йўқотдилар. Дард билан, юракларини эзиб ёздилар-да! Ўшанда саксон ёшни қоралаб бораётган Зулфияхонимдаги руҳий куч-қувват, қалб кучига яна бир бор ҳайрон қолгандим".

Дoston халқимиз кечмишининг, ўтган асрдаги оғир кунларининг сўзлардаги суратига ўтмайди. "Хотирам синиқлари" достонини ёзган лаҳзаларда шоира бутун ўтган умрини қайтадан яшагандек: сўзлар, туйғулар, ифодаларда ўртамаёналик йўқ. Армон, иқрор, ўтинч, умид, тилак ва саҳролар ёмғирни кутгани каби қалби интизор-интиқ бўлган хуррият нурулари шўъласида ўзини кўрмоқ бахти Зулфия опанинг бутун вужуди, руҳиятидан момақалдирак каби ўтади, чамқоқдек сатрлар инъом этган шаррос ёмғир каби туйғулар қалбига таскин бўлганмикан?..

**Хуррият, келдингми, наҳотки, келдинг...
Пинҳона соғиндим, пинҳона қулдим.
Ёмғирга бағрини тутган саҳродек
Сенинг насиминга қалбимни тутдим.**

Насиб этса, адабиётимизга янги-янги шоирлар, илму фанга олимлару файласуфлар, жамиятга арбоблар кириб келаверади. Уларнинг ҳар бири янги оламдай, ҳеч кимни тақорламайди. Фақат... халқпарварлик, юртсеварлик, поклик, садоқат, ўзгаларни ҳам ўзи каби кадрлаб яшашда миллатимиз шаънини беназир устозимиз Зулфия опадек инсонлар улуглаши — ҳеч қачон қиммати пасаймайдиган ҳақиқатдир.

**Мухтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўсатган маданият ходими**

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

КЕМАСОЗЛИК ВА ШОИРЛИК

Ўтган асрда европалик ёзувчилар нуқул юнон мифологиясида фойдаланишди: юнон мифологиясидаги қаҳрамонларни олиб, уларни ўзларига яхши маълуғ бўлган шароитга солиб, шу шароитда бу қаҳрамонларни ўз уйларида юргандек бема-лол ҳис қилишга мажбур этишди. Оқибатда ўша мифлардан қаҳрамонларнинг номларига қолди, холос.

Даг СУЛСТАД

Кемасозлик илмига ўқимаган кемани денгизда бошқаришдан кўради. Беморни даволаш эса шифокорнинг иши. Шеър ижод қилиш шоирга, сўз санъаткорига тан. Биз бўлсак поэзия илмидан хабаримиз борми, йўқми — шеър ёзаверамиз.

ГОРАЦИЙ

Мен нотаниш мамлакатларни кезиб, атрофимда одамларни эмас, янги асаримнинг персонажларини кўраман... Океан ортида мени фақат гўзаллик ўзига жалб этгани йўқ. Гўзалликни кидирганимда Греция ёки Жанубий Италияга ашардим. Мени маҳаллий қабилаларнинг хулқ-атвори, характери ром этди. Бу жойларда шунчалик кўп янги характерларни учратдимки, ёш ёзувчи бўлганимда эсанкираб қолардим.

Сомерсет МОЭМ

Асарда тарихий воқеалар қанча кўп бўлса, савол аломатлари ҳам шунчалик кўп бўлади.

Макс ФРИШ

Ҳозирги замон адабиёти ва санъати китобхон ёки томошабинга ижодий жараёнда (мутолаа чоғида) иштирок этишга кўпроқ имконият беради. Бу борада ёзувчи ёки санъаткор устозлик қиладиган, китобхон ва томошабинга раҳнамо сифатида йўл-йўриқ кўрсатадиган замонлар аллақачон ўтиб кетди.

Эспен ХОВАРДСХОЛМ

Бадий ижодга интилишга маданиятнинг ютуғи сифатида қарамаслик керак, балки уни инсоннинг азалий руҳий эҳтиёжи, деб ҳисобламоқ лозим.

Пер ЛАГЕРКВИСТ

Мухтасар сўз санъатининг севимли шакли бўлмиш япон танкаси миниатюра эмас, чунки унда кўлам йўқ, ҳаракат йўқ. У замонга, дунёга нисбатан бирор-бир муносабатни ифодаламайди, чунки унинг ўзи замон, унинг ўзи дунёдир.

Осип МАНДЕЛЬШТАМ

ЁШ ШОИРГА
Ҳар сатригга дил ўтидан ол маёқ,
Ул маёқни Вақт сендан олмаёқ.

ТИЛЧИ ВА "ЧЕЛСИ"
Тилчиларнинг тилчиси:
Шоир — барча маконларнинг, майдонларнинг элчиси.
Сўз уйнатиш бобида ҳам бўлмағи шарт у худди
Тўғри сўздай уйнаётган инглизларнинг "Челси"си.

Сирож САНДУВОЧ

ДУНЁДАН ХАБАРДОР МАЪРИФАТПАРВАР

Ҳар қандай давр тараққийпарвар зиёлилар олдида умумхалқ манфаатларига доир улкан вазифаларни қўяди ва бу вазифаларни улар ўзлари учун бурч сифатида қабул қилдилар. Ўтган асрнинг аввалида юзага келган миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндлари, фидойи маърифатпарварлар фаолияти бунга бир далилдир. Уларнинг ҳаёти ва бой адабий мероси истиқлол йилларида ўрганилди, тарғиб-ташвиқ этилди, номлари тикланиб, асарлари қайта-қайта нашр қилинди. Ана шундай миллат фидойилари орасида таваллудининг бир юз қирқ йиллиги нишонланаётган улуг маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўрни алоҳида.

Юртбошимизнинг **"Юксак маънавият — енгилмас куч"** асарини таъкидлаганидек, **"Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон**



Маълумки, Бехбудийга бағишланган илмий ишларда алломанинг замондошлари томонидан ёзилган мақола ва хотиралар, шеърлардан асосий манба сифатида фойдаланилган. Ушбу манбаларда маърифатпарвар бобомизнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий фаолияти кенг ёритилган. Биз кўйда ана шу манбаларга таяниб, Бехбудийнинг етук маънавий-ахлоқий олами, юксак инсоний фазилатлари, баркамол шахсияти ҳақида имкон қадар сўз юритмоқчимиз.

"Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратлари ким эди? Бу саволга жавоб бермак учун газета саҳифалари эмас, жилдларда китоб ёзмак керак бўлади", деб ёзган эди маърифатпарварнинг сафдошларидан бири Садриддин Айний. Ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ Бехбудий ҳақида бир неча асарлар яратилди. Жумладан, Саидризо Ализода, Садриддин Айний, Ҳожи Муин, Вадул Махмуд, Абдулҳамид Азамат, Абдулқосим Азимий, Лазиз Азиззода ва Завқий

Носир каби юзлаб маърифатпарвар фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, хузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, ортимишни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди".

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ўз замонининг ижтимоий-сиёсий муҳитига бевосита таъсир қўсатган пешқадам арбоб, янги усул мактаби тарғибчиси, ўзбек драма санъатини бошлаб берган биринчи драматург, журналист, ношир ва муҳаррир Маҳмудхўжа Бехбудий фаолияти ҳолис ўрганилди. С.Қосимов, А.Алиев, Н.Каримов, С.Аҳмедов, Ш.Турдиев, Б.Дўстқораев, Н.Раҳмат, Ҳ.Саидов, З.Аҳророва сингари адабиётшуно олимлар, ижодкорлар томонидан ўнлаб илмий мақолалар ёзилди, тадқиқотлар амалга оширилди, рисоалар чоп этирилди. Атоқли олим Беғали Қосимов нашрга тайёрлаган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Танланган асарлар"и дунё юзини кўрди.

Ҳалимлик, зийраклик, суҳбатдошларини ишонтира билиш ҳислатлари билан кўпчиликни бир маслақ йўлида бирлаштира оладиган салоҳият эгаси бўлган. Ҳали матбуотда мақолалари билан кўринмасидан илгарирок, бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам эътибор топан "Самарқанд", "Ойина" сингари нашрларни ташкиллаштириб, чоп эттирмасидан, театрчилик ишларига киришмасидан бурунроқ катта обрў-эътиборга эга бўлган эди. Бу обрў-эътибор унга маърифатпарварлик ишларига қўл келган. Хусусан, Шақурийнинг Н.Осатроумов таъйинлари остида қолган усули ҳақид мактабини Бехбудий ўз ҳовлисига кўчириб келади ва ўз ҳимоясига олади. Унинг бундай ҳаракатларига душманлик кўзи билан қарайдиган қушлар жим турмади. Чунончи, матбуотда "Самарқанднинг усули ҳақида мактаби Туркистон тарафларида хейли машҳур ўлдигиндан фақат шуни кўрмак учун воруб сўнгра англадимки, мактабнинг шўхрати ёлғуз бунинг муассиси ўлон

муфти Маҳмудхўжа афанди соясинда экан" деган мазмундаги танқидий мақолалар уюштирилади. Бироқ бу каби таъйиқлар Бехбудий ва унинг сафдошларини ўчүтолмайди, фаолиятдан чалғитолмайди. Дарвоқе, машҳур татар маърифатпарвари Абдурауф Иброҳимов Бехбудий ва Шақурийни "Ўзбеклар қаҳрамони" дея бежиз таърифламаган эди.

Лазиз Азиззода ўз хотираларида Бехбудийнинг бевосита шахсига хос ибратли фазилатларни қаламга олган: "Бехбудий ирода-

таҳдидларга учраган бўлса-да, рақибларига бирида матбуот орқали, бирида озма-юз тарзда муносиб жавоб берган. Жавобларида мухолифлари шахсига мутлақо тил теғизмаган ҳолда, диний ва дунёвий билимлардан хабардор чинакам зиёлиларга хос вазминликини сақлаб билган. "Бехбудий афанди шахсий душманликни хохламас ва ҳеч кимнинг шахсига ва шахсий ишларига тил етқузмас эди, — деб деб ёзади Ҳожи Муин. — Ўшандақ ўзини тақфир ва тақфир этатургон хасмларига-да

қарши ёмон ва ҳақоратомуз сўзлар сўйламас эди. Балки шундай сўзларни эшитганда: "Зотан мундай дин ва дунёдан хабарсиз кишилардан яхши сўзларда кутмак абасдур", деб қулар эди. "Мундай тақфирларни ёлғуз мен кўрган эмас, балки ўтган уламо ва улуг кишилар ҳам ўз муосирларидан шундай ҳужум ва тақфирларни кўрганлар", деб ўзига тасалли берар эди. Бехбудий афандида яна бир хусусият бор эдики, хасм ва душманлари анинг кетиндан ҳар қанча ҳақорат этсалар-да, анинг хузурига ўтирғонда ҳеч бир бехуда сўз айта олмасдан, анга тамлик ва мадора этарга мажбур бўларлар эди. Бехбудий афанди ҳар вақт ўзининг шахсига тегиб сўйлаётган хасмларига: "Ажабо! Булар на учун манинг шахсимга тил етқузлар? Мен ўзим яхшим-ёмоним ҳар на бўлса-да, ўз миллатимга зарар етқузмайман, балки халқга тўла ва фаол фойда етқузмак учун қўлимдан келганча чолишаман", дея эди".

Ўзининг билими, тараққийпарвар гоғлари, истеъдоди ва салоҳиятини миллатнинг маънавий-маърифий юксалиши, жипслашиши йўлига бағишлаган фидойи маърифатпарвар сиймоси бир тарихий воқеа баёниди ҳам ёрқин акс этган. Исмоил Гаспринский билан учрашуви ҳақда Ҳожи Муин шундай ёзади: "Бир вақт

(1908-йилда) "Таржумон" газетасининг муҳаррири Исмоилбек афанди Фаспиринский (25 йиллик юбилейсиндан сўнг) Самарқандга келганида Бехбудий афанди йилгагон ҳолда ул зот ила қучоқлашиб кўрушуб, "Бу кун сизнинг хузурингизга келиб суҳбатингиздан истифода қилатургон зиёлиларимиз йўқ" деди. Исмоилбек афанди анга жавобан: "Бехбудий афанди! Йилгаманг (мажлисига кишиларга ишора қилиб), мана булар озим? Яна сизлар тиришсангиз, оз бир фурсатда миллатга кераклик кўб одамлар етишдира олурсиз", деди. "Бехбудий афанди! Йилгаманг..." Миллат муҳибига бир таскин сифатида айтилган бу сўзлар аслида унинг жонқуяр қалбига, бегараз орзу-умидларининг ижобатига ишора эди. Бу йиги ноноч, заиф кишининг кўз ёши эмас, балки буюк қалб эгасининг ўз миллати тақдирини билан боғлиқ улкан қайғуси эди. Унинг орзуси чинакам тараққийпарвар, маърифатпарвар инсонларни тарбиялаш эди. Шу боисдан ҳам атрофидаги ёшларга қарата "Бизга икки турли киши керак. Бири диний илмлари фалсафалари ила комил билатургон зотлар, иккинчиси дунёвий илм ила хунарларни яхши билган зиёлилар", дея таъкидлашдан чарчамасди.

Ўзи билан бир даврда яшаган зиёлилар хотираларида Бехбудий "олийшон устод" "кўкни ёруб безатган қўёш", дея улугланади, "Санинг мислнинг Туркистон тополурму, тополмасму?", деган армон билан эсланади. Ва бу хотираларда биз мустақиллик шарофати тафайли истиқлол қаҳрамонлари қаторидан муносиб ўрин олган алломанинг сиймосини аниқ-тиниқ кўраманиз. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг фаолияти ва асарларида олдинга сурилган тараққийпарвар гоғлар бугунги авлодлар учун ҳам маънавий-маърифий сарчашмалардан бири сифатида кадрлидир.

**Нилуфар НАМОЗОВА,
филология фанлари номзоди**

ЭСТРАДА ВА ЗАМОН

Эстрада санъати бутун замонавий маданиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. Унда кечаётган ижодий изланишлар муайян самараларни намойиш этаётди. "Пойтахт" бизнес марказида бўлиб ўтган "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг 2014 йилги фаолияти якунига бағишланган ҳисобот йиғилишида ана шу ижодий изланишлар муҳокама қилинди.

Унда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши аъзолари, хонандалар, устоз санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққан "Ўзбекнаво"

Тадбир

бирлашмаси раҳбари Баҳодир Аҳмедов миллий эстрада-миз киефаси тобора янгила-ниб, мазмунан бойиб бораётганини таъкидлади. Утган йилда бирлашма ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида юзга яқин маданий-маърифий тадбир ташкил этилиб, уларда икки юз эллиқдан ортиқ эстрада хонандаларининг иштироки таъминланди. Хусусан, жонли ижрода ташкил этилган концертлар салмоғи ортгани асосий ютуқлардан бири ҳисобланади. Б.Аҳмедов таъкидлаб ўтганидек, янги йилда ҳам жонли ижро — лицензия олиш учун хонандага қўйиладиган асосий талабга айланади. Хар бир ижодкор ўз устида ишлаб, овоз маҳоратини чарқлашда давом этиши керак.

Йиғилиш доирасида янги йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар ҳам белгилаб олинди. Ижро санъати, композиторлик маҳорати, санъаткор маданияти каби долзарб масалаларни муҳокама қилиш жараёнида якка-

хон концертларнинг бадиий савиясини ошириш, саҳналаштирувчи режиссёрлар фаолиятига жиддий ёндошиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, хориз санъаткорлари иштирокида ташкил этиладиган гастрол концертлари масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Эндиликда бундай ижодий лойиҳалар тижорат мақсадлари билан чекланмаслиги, Ўзбек ва хориз санъаткорлари ҳамкорлигида концерт чиқишлари тайёрланиши маълум қилинди. Йиғилиш якунида 2014 йилда эстрада санъати ривожига самарали хисса қўшган ижодкорлар, шoir ва композиторлар, жамоатчилик тадбирларида фаол қатнашган хонандалар тақдирланди.

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири:

— Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар маданият соҳаси билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Қайси йўналишда ижод қилишидан қатъий назар, ҳар бир эстрада хонандаси зиммасидаги масъулият юқини ҳис этиши зарур. Айниқса, мамлакатимизда юз бераётган янгилашлар, бунёдкорлик ишлари уларни бефарқ қолдирмаслигини истардик. Янги йилда мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеалар юз бериши кутилмоқда. Ишончимиз комилки, эстрада ижодкорлари ҳам бу жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишади.

Рустам АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси:

— 2014 йил эстрада йўналишида ижод қилаётган композиторлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Миллий эстрадамизга истеъдодли ёш композиторлар авлоди кириб келди. Бу воқеа шахсан мен учун катта янгилик бўлди. Эстрада санъати ривожланган сари соҳанинг ўзига хос хусусиятларини тушунишга қодир композиторларга талаб кўчайиб бораётган. Эндиликда, хонанда ва бастакорлар ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайиб, замон руҳига мос, янги оҳангдаги мусиқий асарлар пайдо бўлишига ишончим комил.

Гавҳар МАТЁҚУБОВА, Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер:

— Рақс ҳамиша эстрада санъатининг ажралмас қисми бўлиб келган. Бу ҳамкорлиқни ривожлантириш борасида ҳали кўп изланишимиз керак. Сабаби, рақс унсурларини эстрада қўшиқларида қўллашда бугун баъзи камчиликлар кўзга ташланмоқда. Масалан, клипларга байрам томошалари учун мўлжалланган рақслардан фарқ қилувчи махсус талқиндаги ўйинлар яратиш зарурлиги аққол сезилмоқда. Катта авлод ижодкори сифатида бу борада жиддий изланиш олиб боришни мақсад қилганман.

Ўз муҳбиримиз.

Яшаётган қўшиқлар



Атоқли шоир Ёнгин Мирзо адабиёт майдонига Раҳмат Файзий, Ҳамид Фулом, Асқад Муҳтор, Рамз Бобожон, Шўхрат сингари устоз адиллар қаторида кириб келган эди. Ижодининг айни қизгин палласи мураккаб шароитга тўғри келди — Иккинчи жаҳон уруши жангхорларида қаламини қуролга алмаштиради. Шўролар тузумининг қатағони ҳам шоирни четлаб ўтгани йўқ. Адолатсизликка чек қўйилиб, бутунлай оқлангач, у фаол ижодга киришиб кетди.

Ёнгин Мирзо шеърлари басталанган ашулалар ҳануз халқимизнинг тилидан тушмайди. Жумладан, "Онам дерман"га асос бўлган шеърни шоир бир юз бир йил умр кўрган муҳтарам волидасига бағишлаб ёзган эди. Таниқли ҳофизлар Фаҳриддин Умаров, Камолиддин Раҳимов, Ҳожиакбар Ҳамидов ижроларида шоир шеърлари асосидаги қўшиқларнинг умрига умр қўшилиб келаётди. Ёнгин Мирзонинг "Шундан бери", "Тонг чоғида", "Ўсма қўйиб", "Кўнглим сегоҳи билан", "Ўзи иккор бўлмагунча", "Қизлар юраги", "Табассум" каби ўнлаб шеърлари санъаткор хонандалар томонидан дилбар оҳангларда янграб, ҳамон халқимизга завқ-шавқ улашмоқда. Қуйида таниқли шоиримизнинг машҳур қўшиқларга айланган шеърларидан намуналар ҳавола этилмоқда.

Ёнгин МИРЗО

БОҒУ БЎСҲОНДИР ҲАЁТ

ОНАМ ДЕРМАН

Бу оламда улуг зот ким Десанг, доим онам дерман. Ҳаётим устуним синамас, Мададкорим онам дерман.

Гул умрим машғали ўчмас, Ҳаёдан суврати кўчмас. Дилимга оқ дили пайваст, Вафодорим онам дерман.

Кўзим нурию дармоним, Умид-шодлик ва армоним, Кеча-қундуз нигоҳбоним, Халоскорим онам дерман.

Она фарзандга бол бергай, Саодат чечагин тергай. Ҳам ардоқлаб, ҳам ўргилгай, Чаманзорим онам дерман.

Узоқ кетсанг қолар доғда, Кутар бедор сахар чоғда. Муқаддас она тупроқда Умидворим онам дерман.

Аё Ёнгин, онанг эт шод, Ёзиб мадҳини қилгин ёл. Она бирла ҳаёт обод Чароғбоним онам дерман.


ТАБАССУМ

Оромижон бир табассуминг, Эт армуғон бир табассуминг. Ўтма жонон чимириб қошинг, Жонга дармон бир табассуминг.

Айтгин дилдор, тўлип оймисан, Баҳордаги тошқин соймисан, Латофатта шунча боймисан, Сўрайди жон бир табассуминг.

Кўғирчоқлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ҳақда фестивалда иштирок этган хунармандлар ҳам ўз фикрларини билдиришди.

ҲУНАРМАНДЛАР АНЖУМАНИ



Кўрғазма залларида

Анна ВОРОНОВА

МУСИҚАГА ЭЪТИҚОД

Хоразмнинг мусиқий хазинасида XX асрнинг иккинчи ярмида донг таратган Комилжон Отаниёзов, Абдушариф Отажонов ва Матниёз Юсуповларнинг алоҳида ўрни бор. Ҳали ёш бўлишга қарамай "Ўзбекистон халқ артисти" унвонига мушарраф бўлган Комилжон Отаниёзов, жанг майдонларида биттадан оёғини қолдириб қолган йиғилар — Абдушариф Отажонов ва Матниёз Юсупов мусиқий жараёнга ўзларининг бетакрор услублари билан ранг-баранглик бахш этдилар. Тошкентдаги мусиқа билим юртида таълим олаётган дўстларга одамлар "уч одамга тўрт оёқ" деб, мутуйба қилар эканлар. Талабалик йиллари бир ётоқхонада яшаган ва доимо бирга бўлишган бу йиғилар ҳамжиҳатлигининг ўзига яраша тарихи бор.

Утган асрнинг эллигинчи йилларида Хоразм театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Комилжон Отаниёзов раҳбарлигида ажойиб концерт дастури билан Тошкентга келади. Очқ саҳнада ўтган концертлар пойтахт мухлисларини ром этади. Қадимий диёрнинг куй ва ашулалари эл оғзига тушади. Хуллас, бу воқеа Хоразм мусиқасининг янги тарихида ўзига хос саҳифа бўлиб қолди.

Шу кезларда Абдушариф Отажонов газетда "Мусиқа билим юртига талабалар қабул қилинади" деган эълонни ўқиб, ўша манзилга етиб келади. Унинг мусиқий иқтидорини, эшитиш қобилияти ҳамда ижодий салоҳиятидан дарак топган билим юрти директори, композитор Иброҳим Ҳамроев "Биринчи сентябрдан ўқишга келаверинг", деб кузатиб қўяди.

А.Отажоновнинг ўқишга кетиши арафасида Комилжон Отаниёзов хайрия концертларини ташкил қилиб, тушган маблағни бутун театр жамоаси олдига ёш шоғирдига топширади. Ўқиш бошлангандан кейин бир ой ўтган, Матниёз Юсупов ҳам таълим олиш иштиёқида эканини билдириб, дўстига мактуб йўллади. Абдушариф Отажонов бу мактуб билан Иброҳим Ҳамроевнинг олдига келади. Иқтидорли талабаларга мушук бўлган директор М.Юсупов номига расмий телеграмма юборади. Шунда Комилжон Отаниёзов ҳам билим юртида ўқишга аҳд қилиб, Тошкентга келади. Уларнинг талабалик йилларида

ғи ҳаёт ва ижод саргузаштлари алоҳида бир дoston...

Уч пахлавондан бири — Матниёз Юсупов ҳаёт бўлганида 90 ёшга тўлган бўларди. Комилжон Отаниёзов ва Абдушариф Отажоновдан фарқли ўлароқ, бу санъаткор ўз ижодини композиторлик ҳамда Хоразм мусиқий мероси намуналари тўплаш ва нотага олиш ишига бағишлади. Айни чоғда миллий куй ва ашулалар асосида Европа

Умр ибрати

андозасидаги "Хоразм кўшиги" операсини яратди. Юнус Ражабий сингари миллий мерос намуналарини тўплаш ва нотага ёзиш борасида жонбозлик кўрсатди. Хоразм услуби Бухоро ва Фарғона ҳамда Тошкент мактабларидан фарқли равишда, беш асосий йўналишда ривож топиб келган. Улар маънавий-маърифий йўналишдаги суворалар, мақом йўллари, дoston йўллари, эл созандалари ҳамда халқалар ижодига мансуб куй ва ашулалардир.

Отаназар МАТЁҚУБОВ

риб, тингловчини хайратда қолдиради. Санъаткорнинг яна бир фазилати шуки, юз мушакларининг ижрога мос маъноли ҳаракатлари ижро жараёнида мусиқий асарнинг маъно-моҳиятини тўла-тўқис кўрсатиб беришга хизмат қилади.

Бухоро вилоятидаги "Оромитан", "Нозанин", "Моҳи ситора", "Бухорча" ашула ва рақс халқ ансамбллари ютуғида Олимжон Шодиевнинг хизматлари катта. Устоз санъаткор Болтиқбўйи Республикалари, Россия, Беларус, Польша, АҚШ, Голландия, Япония, Малайзия каби қатор

Пойтахтимиздаги "Зарқайнар" миллий санъат галереясида аънавий хунармандлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбирни ўтказишдан мақсад истеъдодли хунармандларнинг кашф этилиши, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда аънавалар давомийлигини таъминлашга қаратилган. Унда мамлакатимизнинг турли худудларида ижод қилаётган бир юз эллиқдан зиёд хунармандлар яратган амалий санъат намуналари намойиш этилди. Миллий либослар, кўрпа, ёстиқ каби маиший турмуш буюмлари, бежирим

О. СОДИРЖОНОВ, "Жайхун" кўғирчоқ театри актёри:

— Миллий либосдаги кўғирчоқлар болаларни ўзига тез жалб этади. Айниқса, улар иштирокидаги томошалар жажжи мухлислар хотирасида узоқ сақланиб қолади. Бундай кўғирчоқларни, асосан, адрес, чит, беқасам каби миллий матолардан яратамиз. Улар табиий матодан тайёрлангани учун бола ухлаётганида ҳам бемалол ёнида қолдириш мумкин.

Р. ЖУМАНАЗАРОВА, хунарманд:

— Жундан турли буюмлар тайёрлашнинг заҳмати ҳам, роҳати ҳам бор. Асосан, жунни ювиб, қуришти энг мураккаб жараён ҳисобланади. Уни турли рангларга бўяш эса завқ бағишлайди. Биз тайёрлаган буюмларга Европа давлатларида ҳам қизиқиш катта. Улар қўл ишини ҳақиқий санъат асари деб билади.

Г. ҲАМРОБОЕВА, тикувчи:

— Синглим Ирода билан бирга чит, леон, адрес каби матолардан миллий либослар тикамиз. Улар, айниқса, ёз фаслида қўлайлиги билан харидорларга маъқул бўлмоқда. Хунари бор хор бўлмас, деб бежиз айтишмаган экан. Аёллар хунар ўрганишлари керак. Уйда ҳам болалари билан бемалол хунармандлик билан шугулланса бўлади. Хунармандликнинг бундай тури мамлакатимизда равнақ топиб бораётганига мазкур фестивал мисолида ҳам гувоҳ бўлдик.

ДОИРАГА ЖОН БАХШ ЭТИБ

Комиллов, Тўйчи Иноғомов, Фафур Азимов, Михаил Аулов, кейинчалик Қаҳрамон Дадаев, Талъат Сайфиддинов, Одил Камолхўжаев, Дилмурод ва Элмурод Исломов, Ҳасан Азимов ва бошқалар ўзларининг ижрочилик маҳоратлари билан ўзбек созандалик санъатида катта мактаб яратдилар. Бу борада моҳир устоз, эл орасида шўхрат қозонган Хайдар Шодиевнинг ижро маҳорати алоҳида ажралиб туради. У "Бухороча" ва "Мавриги" қўшиқларининг нафақат доира усуллари, балки уларнинг матни ва хатто рақс ҳаракатларини ҳам чуқур биларди. Энг муҳими, Хайдар ака Бухорода доирачилар мактабига асос солди.

Ана шундай истеъдод соҳибининг ижро йўлини бугунги кунда унинг фарзанди Олимжон Шодиев давом эттирмоқда. Олим ака санъаткорлар оиласида таваллуд топгани босиб, унда мусиқага, хусусан, доира чалишга ҳавас жуда эрта уйғонди. Уч-тўрт ёшдан бошлаб отасига қўшилиб театрға борар ва кун бўйи концерт дастури, мусиқали драмалардаги ариялар репетицияларини қизиқиш билан томоша қиларди.

Истам Аслонов раҳбарлигидаги "Лола" ашула ва рақс ансамблида етакчи доирачи сифатида фаолиятини бошлади. Ансамблнинг концерт дастуридан Бухоро фолклор қўшиқларидан ташқари, Фарғона, Хоразм ва

Санъатимиз фидойилари

Тошкент халқ куйлари ҳам ўрин олганди. Дастурни янада такомиллаштириш мақсадида бастакор Ориф Атоев, Тошкентдан Эргаш Шўхруллаев, Телман Ҳасанов, Шавкат Мирзаев, Вилоят Оқилова, Дилафрўз Жабборов ва каби таниқли санъаткорлар жалб этилди. Шу тариқа "Лола" ашула ва рақс ансамбли ижроси профессионал савияга эришди. Жамоага "Ашула ва рақс халқ ансамбли" унвони берилди. Ушбу муваффақиятда моҳир доирачи Олим аканинг ҳам хизмати беқиёс бўлди.

Шуни айтиш жоизки, Олимжон Шодиевда бошқа доирачиларда учрамайдиган, фақатгина ўзига хос бўлган ижро услублари мавжуд. Унда бадиҳа кучли. Ижро пайтида кутилмаган чиройли зарбларни бе-

мамлакатларда гастрол сафарларида бўлиб, концертларда якка ва кўш доирада куйлар ижро этиб, хориз мамлакатларида мухлислар ортиради. Япониядаги концертлардан бирида "Бухороча попури" усуллари ижросини тугатгандан сўнг бир томошабин (мутахассис бўлса керак) югуриб саҳнага чиқади ва созанда бармоқларига "нохунак" (темир ниқоб) кийган деб уйлайди. Созанда бармоқда овозни кучайтирувчи ҳеч қандай восита йўқлиги ишонч ҳосил қилиб, хайрат билан саҳнадан тушиб кетади...

Моҳир созанда, устозда санъаткор Олимжон Шодиев бугунги кунда Бухоро вилоят Академик ва халқ бадиий жамоалари қошидаги "Мавриги" ашула ва рақс ансамблида фаолиятини давом эттирмоқда. Айни вақтда гадири бузруквори Хайдар бобо асос солган Бухоро доирачилар мактаби фаолиятини давом эттириб, ўзбек миллий созандалик санъати тараққиётига хисса қўлиши йўлида изланмоқда.

Қаҳрамон ТўРАЕВ, Санъат ва маданият институти ўқитувчиси

Журналларни varaqlaganda

"ШАРҚ ЮЛДУЗИ"

2014 йил, 6-сон

Удуддай, меҳрдай қон-ла ўтди,
Бу беҳад кўзларда мавж урган меҳр?
Зарра-зарра қолган қалбим ўтими,
Бизни яқин қилган муаззам сеҳр?

Атоқли шоира Зулфиянинг туй-гулар сеҳрига йўғрилган шеърларини журналнинг ушбу сонидан такрор ўқийсиз. Абдулла Шер, Аҳмад Хўжа, Одил Хотамов, Абдумажид Азимов, Хуршида ва яна бошқа шoirларнинг янги туркумлари, "Мушоира", "Булоқ кўз очди" рўкни остидаги назмий асарлар муталааси ҳам сурурли кайфият бағишлайди, фикр-мушоҳадага ундайди. Таниқли шоир Чўлпон Эргаш меросидан намуналар, Фулом Шомуроднинг мумтоз шoirларимиз газаларига мухам-

маслари, Хосият Рустамовнинг "Осмонга сиймаган қўш", Чоршаъмининг "Исмоил Сомоний" номли драматик асарлари, Абдуқаҳор Иброҳимовнинг "Илдизим ва ўзим" номли тарихий-ҳужжатли романи журналнинг ушбу сони мундарижасига алоҳида салмоқ бағишлаган.

Ёш носирларнинг қисса ва ҳикоялари, туркиялик адиба Томрис Уярнинг "Хилватда кечган умрим" номли (аслиятдан П.Кенжаева таржимаси) ҳикояси, шунингдек, Гегелнинг "Эстетика" асари якуний қисми, Имом Ғаззолийнинг "Ки-

миёи саодат туркий" рисоласининг учинчи рўкни ҳам муштарийлар томонидан қизиқиш билан ўқилиши тайин.

"Ҳазина қалбнинг ўзидир" сарлавҳали суҳбатда Йўлдош Эшбек адабиётшунос Абдумурод Тилавовнинг бадий ижод сирларига оид саволларига жавоб берган. Тилшунос ва адабиётшунос олимлар А.Нурмоновнинг "Сўз мулкига сайр", Х.Ҳомидийнинг "Форс тилидаги адабиётнинг забардаст таржимони", Н.Жумахўжанин "Танқид — бадий адабиётнинг химоя имунитети" мақолалари, ёш тадқиқотчи ва мунаққидларнинг мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётининг актуал масалаларини ёритишга бағишланган кичик тадқиқотлари, О.Пўлатнинг болаларга аталган шеърлари, турк бахшилик адабиёти намояндalarидан бири Ошиқ Баёний ижодий меросидан намуналарни (аслиятдан Ж.Шабанов таржимаси) ҳам журналнинг ушбу сонидан ўқийсиз.

ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Дунё микросида ўзбек адабиётига қизиқиш кундан кунга ортиб, адабиётимиз намуналари хорижий тилларга таржима қилиниб, чет элларда чоп этилаёттир. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига Ситэл (АҚШ) шаҳридаги Вашингтон университети профессори Илза Сиртаутас хонимдан келган мактуб бунинг яна бир далилидир. И.Сиртаутас хоним америкалик туркологлар орасида кўзга кўринган олимлардан. Туркийшунослик бўйича кўплаб илмий ишлар муаллифи бўлган олима ўзбек адабиётининг жонқуяр тарғиботчиларида.

"Ўзбек халқ эртақлари"ни немис тилида, Олмонияда нашр эттирган. Йигирма нафар ўзбек ёзувчиларининг ҳикояларини шогирдларини жалб қилган ҳолда инглиз тилига таржима қилиб, чоп этириш арафасида.

Илза хоним мактуб билан бирга таниқли ўзбек



Ўзбекистон ва жаҳон

ижодкорлари шеърларининг инглиз тилига қилган таржималарини юборибди. Абдулла Ориповнинг "Алишернинг онаси", "Донишманд дедикчи...", "Она", Эркин Воҳидовнинг "Илза хоним", "Барча шодлик сенга бўлсин", Муҳаммад Алининг "Сителда гуллар", "Чинор", "Кўҳна Урганч минораси дейди", "Боболар ўғити", "Садолар" сингари шеърлари таржимасига Илза хоним муаллифлар ҳақида қисқача маълумотларни ҳам илова қилганки, бу инглиз

ўқувчисини шoirларимиз ҳаёти ва ижоди билан қисман бўлса-да таништиради.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими масъул котиби



Ўзбекистон халқ ғазаллари Жавлон УМАРБЕКОВ.
«Ҳайт мевалари»

Янги нашрлар
ЎЗБЕК ТЕАТРИ ҲАҚИДА

Бунда театрларнинг архив манбалари, муайян санъаткорларнинг ёдномалари, шунингдек, "Иштирокион", "Ойна", "Туркистон" сингари даврий матбуот материаллари асосида тарихий муҳит ва бадий жараёни ўқувчи кўз ўнгиде тиклашга муваффақ бўлади.

Мунаққид Ш.Қаюмов, Т.Хўжаев, А.Гинзбург каби режиссёрлар ижоди билан ўзбек драма театри режиссурада янгилашилган юзага келган таҳлил асосда кўрсатиб беради. Янги давр актёрлари ва режиссёрлари юзага келганини ўзига хос бадий жараён сифатида таҳлил қилади.

Миллий театр ҳаётида янги бошқичанинг бошланиши, долзарб жанрлар ва мавзуларнинг кириб келиши ҳамда уларга муносабат муаллиф томонидан таҳлилий баҳолангани китобнинг аҳамиятини оширган. Бир сўз билан айтганда, Э.Мухторовнинг мазкур китоби театршунос олимлар, бўлажак мутахассислар, шунингдек, ўзбек драма театри санъати тарихи ва замонавий бадий жараёнларни ўрганувчи талаба-ёшлар учун ҳам муҳим дастуруламал бўлиши шубҳасиз.

Олтиной ТОЖИБОЕВА

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга кафедралар бўйича кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади.

"Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш" кафедрасига профессор (1), "Музеяли, драматик театр ва кино санъати" кафедрасига доцент (1), "Халқ ижодиёти ва анъанавий ҳўшиқчилик" кафедрасига доцент (1), "Халқ ижодиёти ва анъанавий ҳўшиқчилик" кафедрасига катта ўқитувчи (1), "Вокал" кафедрасига катта ўқитувчи (1), "Чолбу ижодиёти" кафедрасига ўқитувчи (1), "Санъатшунослик ва маданиятшунослик" кафедрасига ўқитувчи (1), "Тиллар ва адабиёт" кафедрасига ўқитувчи (1), "Эстрада ва оммавий томошалар санъати" кафедрасига ўқитувчи (1)

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- ректор номига ариза;
- ишловчининг шахсий varaқаси;
- маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
- малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳар, Яланғоч даҳаси, 127-а уй.

Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.



Адабиёт — ҳаёт ҳақиқатининг инъикосидир. У воқеаларга ҳалол ва холис ёндашишга даъват қилади ва буларга ёзувчи истеъдодини уйғунлаштирса ўқувчи кўнглига манзур бўлади. Шоир, ёзувчи, киносценарист сифатида танилган Исмаилов Йўлдошевнинг "Наврўз" наشريёти томонидан "Теровчининг битиклари" номли янги китоби нашрдан чиқди. Асли касби ҳуқуқшунос бўлган муаллиф асарларининг жонли, қизиқarli чиқишига сабаб қаламга олинган ҳар бир ҳикоя, ҳар бир қисса ижодкор бевоқифа иштирок этган воқеаларга асосланган. Реал воқеликдан ўқувчи учун ибрат бўладиган ҳолатни танлаб олиб, бадий маҳоратини ишга солган.

Соҳанинг мутахассиси, катта тажрибали терговчи сифатида аҳшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш абадий эканлиги ва ҳақиқат ҳаммаша ғалаба қилаётгани, қонун устуворлиги жамият кудрати эканини маҳорат билан қаламга олинган. Шунингдек, тўпلامдан муаллифнинг турли соҳаларга бағишланган публицистик мақолалари ҳам ўрин олган.

Ижод — кўнгли кўзгуси. Бу "кўзгуга" боқиб сиз ўзингизни, орзу-умидларингизни, армонларингизни кўрасиз. Бейхитёр муаллифга сирдош, кўнглидош бўласиз. У сизнинг энг яқин кишингизга айлиб қолади. Аслида, ижоднинг рўки, ижодкорнинг жозибаси шу. Шоира Гулчехра Шаҳобиддин қизининг "Турон замин зиё" наشريёти томонидан нашр этилган "Садарайхон ифори" шеърый тўпламига киритилган шеърларни ўқиш асосида кўнглингиздан шундай мулоҳазалар кечса ажабмас.

"Садарайхон ифори" тўплами қайси бир маънода шеър ва шеърятнинг, Онанинг, Ватаннинг, умуман, латиф туйгуларнинг исини олиб келгандай бўлади. Бейхитёр шеърга эргашиб, хаёлан шоира билан баҳслашасиз, сирлашасиз. Шеърятнинг ҳам асл мақсади шу эмасми? Тўпلامга филология фанлари номзоди А.Алимов сўзбоши ёзган.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
ЯНГИЛИКЛАРИХАРУКИ МУРАКАМИГА
САВОЛЛАР

Олтмиш олти ёшли машҳур япон адиби Харуки Мураками "Murakami-san no tokoro" сайти орқали китобхонларнинг саволларига жавоб беришга қарор қилди. 15-31 январ кунлари қабул қилинаётган саволларга адиб икки ой мобайнида шу сайтда жавоб қайтаради. Мухлисларнинг жавоблар қизиқarli асардек ўқилишига ишончлари қомил.

Ташвиш ва муаммолар, фалсафий мушоҳадалар билан кимга мурожаат қилиш керак? Мураками руҳшунос шифокор бўлишга қатъий аҳд қилиб, саволлар мураккаб бўлса-да, жавоб топшига мухлисларни ишонтирмакда. Икки мушкул аҳволдан бирини танлашга доир ўта шахсий, бахт излаш, ҳаловат ва уйғунлик топиш, сиёсат, болалар, оила каби маънавий масалалар, шунингдек, севган бейсбол командаси мағлубияти каби саволлар мақсадга мувофиқ, дейилмоқда. Адиб сайти мухлислар қалб нидосини тинглашга, саволларни истаган тилда қабул қилишга ваъда бермоқда. Х.Мураками 2002 йили ҳам "Кафка соҳилда" романи нашрдан олдин шундай интерфол мулоқот уюштириб, ўқувчиларнинг 1220 саволига жавоб қайтарганди.

ИЛК МУҲАББАТ
ҲАҚИДАГИ РОМАН

Ўтган йили инглиз адибаси Донна Тарттнинг "Саъва" романи шов-шувларга сабаб бўлди. Пулицер мукофоти билан тақдирланган 830 саҳифалик йирк асарни адиба ўн йилда ёзган. Сотувчилар харидорларга китобни бераёттиб, "Эҳтиёт бўлинг, оёғингизга тушиб кетмасин", дея ҳазиллашади. Ўн йилликнинг муҳим воқеаси бўлган китоб муаллифини "Time" журнали дунёнинг нуфузли юз кишидан бири, деб эълон қилди. Warner Brothers компанияси уни экранлаштириш ҳуқуқини сотиб олди.

Хўш, Америка, Европа ва Россия китобхонлари қисқа вақтда талашиб харид қилган бу китоб нима ҳақида ўзи, деган савол туғилади. Тарттнинг бундан аввалги асарлари — "Сирли тарих" ва "Кичик дўст" романлари психологик детектив жанрида ёзилган эди. "Саъва" эса ўзида классика ва постмодерн услубларини уйғунлаштирган: отишмалар, санъат асарлари ўғирланиши билан боғлиқ детектив сюжетларга Шерлок Холмс ҳам ҳавас қилган бўларди. Шунга қарамай, асар, асосан, илк муҳаббат мавзусидадир. Адабий танқидчилар Европа мумтоз тарбиявий романлари сирасига кирадиган асар муайян даражада Ч.Диккенс ва Ф.Достоевский аъналарини давом эттирилгани билан қимматли, деб баҳоламакда.

МЕЪМОРЛИКДАН
АДИБЛИККА

Франциялик архитектор Марк Леви қирқ ёшида ёзувчи бўлишга аҳд қилиб, бой берилган вақтинчи ўрнини қоплаб тез ва соз, муҳими китобхон диққатини жалб этадиган асарлар ёзмакда. Унинг янги асари "Ўзганинг бахти" деб аталади. Янги триллернинг бош қаҳрамони — Агата. У ўтган аср етмишинчи йилларининг ёрқин, беҳаловат ва серҳаракат ёшларидан. Тинч ва хотиржам яшаш унга бегона. Тасодифан ўзига ўхшаган Милли исмли дугона топиб, узоқ ва хавфли йўллар орқали бутун Американи кезиб чиқади. Охир-оқибат ҳаётини издан чиқарган сирларнинг тагига етишга муваффақ бўлади.

"КЕЧИРМОҚ ФАСЛИ"

Америкалик адиб Жон Гришэмнинг ўттиздан ортиқ романлари New York Times нашри орқали замонавий бестселлерларга айланган. Адиб қаламига мансуб асарлар қирқдан ортиқ жаҳон тилларига таржима қилиниб, 300 миллиондан ортиқ нусхада сотилган. Жон Гришэмнинг "Кечирмоқ фасли" деб аталган янги романи севги изтиробларига бағишланган.

"ОҚШОМ ОҒУШИДАГИ
ТУМАНЛИ БОҒЛАР"

Малайзиялик адиб Тан Тван Энг адабиёт оламида янги ном. Унинг "Оқшом оғушидаги туманли боғлар" романи бир нафасда ўқилади. Нозиктаб, ўзига хос насрий услуб соҳиб Тан Тван Энгнинг ўқувчини мушоҳадага чорлайдиган бу китоби жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинмоқда. Инглиз тилига ўғирилган бу асар учун Тан Тван Энг Малайзия адиблари орасида биринчи бўлиб, "Осиё адабий мукофоти"га сазовор бўлган.

МУАССИС:
ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиддин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Давид — 6659 Буюртма Г — 157. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X



9 772181 614000